Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 30 (7. 119) 1990 йил 6 февраль, сешанба Баҳоси 3 тийин

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми очилди

5 февраль куни Кремлда эрталаб соат 10 да КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми иш бошлади. Пленум муҳокамасига КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳаси киритилган. Бу масала юзасидан докладчи — М. С. Горбачев.

Литва Компартиясининг XX съезди қарорлари муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг аввалги Пленумида муҳокама қилина бошлаган масалаларни кўриб чиқиш ҳам давом эттирилади.

(ТАСС).

Бошланғич партия ташкилотларида

«ЧЕВАР»НИНГ ФИДОЙИЛАРИ

⊙ Партия сафига ўтиш истагини билдирганлардан етти нафари бирваракайига номзодликка қабул қилинди. Бу камми ёки кўпми! «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети учун илгариги пайтга нисбатан кам. Бу ерда коммунистлар бирданига шунча кишининг Коммунист бўлишини кўп, деб билишмайди. Шу сабабдан бўлса керак, эндиликда улар сони 232 нафарга етибди. Корхонада Коммунистик партия сафига ўтиш истагини билдириб тер тўкаётган кишиларни кўриб, ростн хурсанд бўлдик. Уларнинг касби-корн, ёшлари ҳам турлича. Яқин кунларда номзодлар сафига қўшилишга тараддуд кўраётганлар билан учрашдик. Улардан бири, бирлашма касаба союз ташкилотининг раиси Мунирахон Ҳасанова экан.

— Шунча йилдирки, озмн-кўпми меҳнатим шу корхона ишига сингди. Коллективимизда муаммоларимиз, амалга оширмоқчи бўлган режаларимиз ҳали жуда кўп. Жамиятимиз пойдеворини қайтадан қуришдек оғир, масъулиятли бир даврда мен ўз ўрнимни коммунистлар сафида деб биламан.

—Ҳозирги шароитда менга ишонч билдириб, КПСС сафига номзод қилиб қабул қилинганимнинг ўзи катта масъулият юклайди, — дейди улардан яна бири — таъминот ишлари бўйича директор ўринбосари Эргаш Умаров. Коллектив коммунистларн ҳам хоҳловчиларнинг барини ўз сафларига осонликча қўшиб қўяётганлари йўқ. Мавжуд 10 та бошланғич партия ташкилотининг нақа-моҳир тўқувчиси Холидахон Урмонова район партия комитети аттестация комиссиясининг аъзоси. Хуллас, бундай аёлларимиз коллективимизда талайгина.

— Зуҳра Қодировна, бу заҳматкаш аёллар-ку ҳар томонлама ишлари билан корхонангиз шарафини ҳимоя қилаётган экан. Аммо корхона маъмурияти, қолаверса партия комитети коммунист аёлларнинг оғирини енгил қилиш учун қандай шароитлар ярата олди?

— Саволингиз жуда ўринли. Уларга ҳозир энг катта ёрдам бирлашма хотин-қизлар кенгаши томонидан берилмоқда. Мазкур кенгашга бошқош бўлаётган коммунистларимиз Холида опа ҳамда Хурсаной опалар аёлларимизнинг чин маънодаги ғамхўрн, кўмакдошига айланган. Уларга ҳам маънавий, ҳам моддий ёрдамни беришга ҳаракат қилишмоқда. Партия комитетн эса вақти-вақти билан кенгаш ҳисоботини эшитибгина қолмай, зарур амалий ёрдамни бериб турибди. Масалан, бизда энг зарур ҳисобланган боғча масаласини олинг. Хотин-қизлар кенгашн тақсимлашга тўғри тақсимлайди. Лекин 280 ўринли боғчанинг бизга кичиклик қилиши сезилиб қолди. Шу мақсадда бирлашма жорий йилда яна 190 ўринли боғча қуришни мўлжалламоқда. Кечки сменадан чиққан аёлларимиз уйларига етиб олишда кўп қийналадилар. Сабаби, бизга хизмат кўрсатувчи 18-автопарк автобуслари вақтида юрмайди. Шунча катта муаммолар ичида бу арзимасдек туюлиши мумкин.

Лекин автобус кутиб, ярим тунгача сарсон бўлиб уйига етиб олган қизимизни эртаси куни ота-онаси ишониб-ишонмай ишга кузатиши табиий. Ҳатто шу кичик сабаб туфайли корхонада ишлашига қарши чиқаётган ота-оналар, акалар ҳам кўплаб учрамоқда. Бир томондан улар ҳам ҳақ. Қизи ёки рафиқасининг транспорт туфайли сарсон бўлишини ким ҳам истарди...

«Чевар»нинг ҳар бир куни фидойи аёллар меҳнати билан серамзиун. Улар тикиб чиқараётган либослар одамлар кўлида ўз баҳосини топмоқда. Оналари, қолаверса момолари изндан бориб, чеварликнинг ҳақиқий сирларини эгаллай олаётган қизлар жамоат ишларида куч сарфлашга ҳам вақт ажратмоқдалар. Жозибали либослари билан одамларни қийнтиришдек хайрли ишга қўл урган «Чевар» коллективи шу боисдан ҳам коммунист аёлларнинг катта бир армияси сингари фаолият кўрсатмоқда.

Ф. ҲУСАНОВА.

дар жипслиги, ўзаро ҳамфикр ва ҳамкорлиги ниҳоясига етай деб қолган аттестация ишида яққол сезилди. Партия комитети номига участка ва филиал бошланғич ташкилотларидан фақат беш кишини аттестациядан шартли равишда ўтказиш маълумоти тушди. Корхона партия комитети берилган маълум муддат ўтгач, бу беш нафар аёлни қайта синовдан ўтказди. Ишда илғорлиги-ю, жамоат ишида фаоллик кўрсата олган бу аёллар ҳам ниҳоят аттестация комиссиясининг ижобий баҳосини олишга эришди.

— Шахсан менга қолса, бу аёлларни кўп болали бўлгани учун, бунинг устига топшириқларни ортиғи билан бажаргани учун ҳам ҳеч қандай сўровсиз аттестациядан ўтказган бўлардим, — дейди бирлашма партия комитетининг котибаси Зуҳра Қодировна Туропова. — Нафсиламбирини айтганда, кўп болани тарбиялаб, вояга етказишнинг ўзи жамоат иши эмасми?! Бунинг устига планларини адо этиш учун тинмай тер тўкишади. Биз эса бирибир номига бўлса ҳам қандайдир жамоат иши рўйхатига тиркаб қўйишга ҳаракат қиламиз. Бу билан аёлларимиз жамоат ишидан йироқда деган фикрни айтмоқчи эмасман. Улар орасида шаҳримизга, қолаверса, шаҳримизга номи кетган фидойи коммунистларимиз бор. Биз улар билан фахрланамиз ҳамиша. Пешқадам тикувчимиз Сабоҳатхон Мусаева шаҳар партия комитетининг аъзоси сифатида фаоллик кўрсатиб келади. Шунингдек, 2-цех тикувчиси Мунаввархон Кўчқорова Акмал Икромов район партия комитетида доимий комиссия аъзоси. Райком қошида тузилган идеология комиссиясига эса яна бир ишчимиз Хурсаной Арслонова ҳам қўшилган. 1-цехнинг

Янгиликлар Воқеалар Хушхабарлар

«Лола»... ёритади

⊙ ТОШКЕНТ электр рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси Қирғизистон ССРнинг Майлисой электр лампа заводи билан кўпдан ҳамкорлик қилиб келади. Бунинг натижасида қатор янгилик маркаси билан турли қандиллар чиқара бошлади.

⊙ БУГУН улар юборган «Лола» шишасидан тайёрланган стол лампасининг дастлабки туркуми тайёрланди. Корхона бундай буюмлардан савдо тармоқларига ҳар ойда 17 мингта юборди. Йил охиригача 18 хил янги буюмлар ўзлаштирилиб, савдо шоҳобчаларига юборилади.

Маданият дорилфунуни

⊙ КИРОВ районидаги Ҳамид Олимжон номли маданият уйи қошида ташкил этилган тўгараклар бир неча йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Мавжуд ўзбек миллий рақс тўгарагига қатнашаётганлар сони 21 тага етди. Ҳозир бу тўгаракка Д. Сотиболдиева раҳбарлик қилиб, шогирдларига эронча, афғонча ва ҳиндча рақсларни ижро этишни ўргатмоқда. Уруш ва меҳнат ветеранларидан ташкил этилган хор коллективи ҳақида ҳам илиқ гапларни айтиш мумкин. Бу маданият уйида доирачилар тўгараги ташкил этилди. Ҳозир 25 ёш доирачи устози Х. Жамоловдан доира чалиш сирларини ўрганишмоқда.

Яқинда маданият уйи қошида халқ саломатлиги ва халқ маданияти дорилфунуни очилди.

О. ЮСУПОВ.

Шифо топинг

⊙ СЕРГЕЛИ районининг Чоштепа кўчасида янги поликлиника иш бошлади. «Маданият», Навоий номли маҳалла аҳолиси учун тиббий ёрдам кўрсатишда қулайлик яратилди.

Поликлиника шифокорлари бир сменада 250 беморга хизмат кўрсата олади. Янги шифохона замонавий асбоблар билан жиҳозланган бўлиб, унда жарроҳлик, жисмоний тарбия билан даволаш, рентген, физиотерапия, кардиология кабинетлари ишлаб турибди.

Д. САЪДУЛЛАЕВ.

Дори-дармонлар

⊙ ШАҲАР дорихоналар Бош бошқармаси коллективи пойтахт аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида аҳоли гавжум жойларда дорихоналар очди. Калинин массиви аҳолиси учун янги поликлиника қошида дорихона ишга туширилди.

⊙ ФРУНЗЕ район аҳолиси учун «Ҳосилот» меҳмонхонаси ёнида ишга тушган янги дорихона шаҳримиз меҳмонлари учун ҳам қулай бўлди.

⊙ СОБИР Раҳимов районининг Сағбон кўчасида ҳам янги дорихона ишлай бошлади.

Д. АЪЛОЕВ.

«АГАР ДЕПУТАТ БЎЛСАК...»

18 февраль — Ўзбекистон ССР халқ депутатлиги ва маҳаллий Советлари депутатлигига сайловлар куни



⊙ Мукаррам ОЧИЛОВА—11-Шодлик сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод.



⊙ Дилором РАСУЛЕВА—28-сайлов округидан Тошкент шаҳар Совети депутатлигига номзод.

Икки аёл. Икки номзод. Икковлари ҳам коллективга бош — бригадирлик қилишади. Ўз корхоналари касаба уюшмасининг аъзолари. Ҳамиша илғорлар сафида бўлишга интилишади. Мукаррам Очилова — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида, Дилором Расулева эса «Ўртоқ» қандолатчилик фабрикасида узоқ йиллардан бери самарали меҳнат қилиб келишади. Айниқса, шу кунларда уларнинг юмушлари кўпайган. Эрталаб ишга шошилишади. Кечқурун сайловчилар билан учрашувга йўл оладилар. Бунинг устига оила ташвишлари.

— Халқимизда «Қуш тилини қуш билади», деган гап бор, — дейди Мукаррам Очилова, — Ўзим аёл бўлганим учун аёл дардини, ташвишини яхши биламан. Эркаклар мени маъзур тутсинлару, барибир биз бонг ураётган ҳозирги тенг ҳуқуқли замонда ҳам аёлларнинг юмуши эркакларникига нисбатан икки ҳисса кўп. Масалан, эркак киши кундалик ишдан сўнг ҳарқалай эркин нафас олади. Кўнгил очади. Аёллар эса корхонадан уйга шошади. Энди у оила ташвиши билан куймаланади.

Хўш, уларнинг меҳнатини енгиллаштириш мумкинми? Мумкин. Бунинг учун бироз эътибор бўлсагина кифоя. Энг муҳими болалар боғчаларини кўпайтиришдан иборат. Шундай қилинса аёл кўнгли тинч, иши ҳам унумли бўлади. Корхонада қўл меҳнати билан бажариладиган ишларни техника зиммасига юклаш ҳам аёл учун анча енгиллик тугдиради. Иш жойининг ўзида маиший комбинатлар очиш, магазинлар сонини кўпайтириш ҳам аёл жонига оро киради. Чунки у керакли буюм ёки маҳсулотни излаб қайсидир магазинга югурмайди. Дастуримнинг асосий қисми ана шунга бағишланган. Эркакларга ҳам бир илтимосим бор. Улар аёлларга янада эътиборли бўлсалар, оилага бироз қайишсалар нур устига нур бўлардн.

— Сурункасига икки марта район Совети депутатлигига сайланганман. Бу йил номзодим Тошкент шаҳар Советига кўрсатилиши мен учун катта бахт. Албатта сайловчилар ишончини оқлашга ҳаракат қиламан, уларнинг талаб ва истакларини амалга ошириш учун курашаман, — дейди бизга Дилором Расулева. — Сайловчилар билан учрашувлар мен учун кўпдан-кўп янгиликлар беряпти. Уларнинг таклифлари асосида дастуримни пишитиб бораяпман.

Озодалик — аёлнинг жону дили. Табиийки, мен ҳам озодаликни ёқтираман. Уйим ва иш жойимни озода тутишга ҳаракат қиламан. Эрталаб ишга келаётган чоғимда ва қайтаётганимда шаҳар кўчаларига назар ташлайман. Ифлос ва тартибсизликларни кўриб кўнглим ҳижил бўлади. Ахир шундай гўзал ва ранг-баранг бинолар билан қуршалган шаҳримиз кўчаларидаги бу ноҳуш манзаралар ҳар қандай кишининг ҳам таъбини хира қилиши аниқ. Шундай экан шаҳримиз ободончилиги учун ҳаммамиз баравар курашайлик. Агар ҳар биримиз юрган йўлимизга биттадан чўп ташласак, кўчалар ахлат уюмига тўлади, биттадан чўп териб олсак, ораста бўлади.

Шаҳар ободончилиги дастуримдан катта ўрин олган. Атроф-муҳит муҳофазаси, табиатни асраш, меҳр-оқибатли бўлиш масалаларига ҳам кенг ўрин берилган.

Яна бир гап. Кейинги вақтда шаҳримизда жиноятчилик тобора кўпайиб бормоқда. Бу энг аввало, аёлларни ташвишга соляпти. Ахир ҳеч бир она фарзандига озор етишини, унинг кипригига бемаврид ёш қалқишини истамайди. Юрт-эл тинч бўлса дейди. Хонадонларда осойишталик ҳукм сурса дейди.

Шундай экан, агар депутат бўлиш менга насиб этса халқ вакили сифатида жиноятчиликка қарши курашиш ишига ҳам ҳисса қўшаман.

М. КОМИЛЖОНОВ.

МИШ-МИШЛАРГА ИШОНМАНГ!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИ ВА ПРОКУРАТУРАСИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

Кейинги вақтда Тошкентда ва республикамизнинг бир қанча областларида туб аҳолига мансуб бўлмаган кишиларга нисбатан гўёки ур-йиқитлар ва зўравонлик хатти-ҳаракатлари бўлиши тўғрисида миш-мишлар тарқалди. Одамлар орасида саросима уруғини сочиш мақсадида қилинаётган бу иғвогарликлар тарқатилаётган варақаларда яна-да авж олдирилмоқда. Варақаларда дўк-пўписалар, миллатчилик руҳидаги шиорлар эълон қилинган, турли хил иғвогарона уйдирмаларга зўр берилган.

Шу кунлардаги муайян аҳволни таҳлил этиш ана шу нифос иғвогарликлар ҳеч қандай асосга эга эмас, деган хулоса чиқаришга имкон бермоқда. Тегишли идоралар варақалар ва миш-мишлар тарқатаётганлар, иғвогарлик ҳаракатларн, тартибсизликларга ундаётган кишиларни аниқлаш ва улар фаолиятн пайини қирқиш юзасидан қатъий чоралар кўрмоқда.

Чунончи, Э. Р. Иброҳимов, Ш. Г. Гусейнов, М. Н. Хайруллаев ва бир қанча бошқа кишилар шундай иш билан шуғулланаётганликлари аниқланди ва прокуратура уларни расмий равишда огоҳлантирди. Миллий адоватни авж олдиришга, турли миллат кишилари ўртасида можаролар келтириб чиқаришга ундовчи варақаларни тарқатиш ҳодисалари юзасидан ҳам қаттиқ текширув олиб борилмоқда.

Республикамиздаги ҳозирги вазият тўла назорат қилинмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларн жамоатчиликни жамиятга қарши бирор-бир воқеаларнинг олдини олиш, уларни келтириб чиқарадиган сабабларни бутунлай йўқотиш, ёмон мақсадда миш-мишлар ва варақалар тарқатаётганларни излаш борасида ўтказилаётган ишлар тўғрисида мунтазам хабардор қилади.

Қайта қуришга қарши муайян кучлар ҳамда жамиятга қарши унсурларнинг сафсатабозлик ва туҳмат-бўҳтон йўли билан республикамиздаги аҳволни издан чиқариш, кескинлаштиришга уринишларининг пайн қатъий равишда қирқилади. Ўзбекистон меҳнаткашлари давлат идоралари социалистик қонунчилик ва жамоат тартибига тўла риоя этилишини таъминлаш кувватига эга эканликларига шубҳа қилмасликлари керак.

Бунинг учун тегишли ҳуқуқий воситалар ҳам, совет кишиларининг турмуш ва меҳнат маромини сўзсиз таъминлай оладиган бирдан-бир ҳоҳиш-иродаси ҳам бор.

«МУЛОҚОТ»НИНГ МУЛОҚОТИ

✦ «МУЛОҚОТ» клубининг навбатдаги йиғилиши иқтисодиёт масалаларига бағишланди. Тўпланганлар иқтисод фанлари доктори, профессор Н. Т. Тўхлиевнинг бу ҳақдаги маърузаси билан таништилар. У хўжалик ҳисоби, мулкчилик муносабатлари ва бошқа масалаларга тўхталди, клуб аъзоларининг саволларига жавоб берди.

Жумладан, 1991 йилда жумҳурият ўз-ўзини бошқариш усулига ўтиш учун ишлаб чиқариш ва айирбошлаш бозорлари зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

— Нурислом Тўхлиевич, — дея мурожаат қилди тўпланганлардан бири, — жумҳуриятимиз ўз-ўзини бошқаришга тайёр эмас экан, у ҳолда нима бўлади?

— Йўқ, хўжалик ҳисобига ўтамиз, — деди олим. — Бунинг учун иқтисодиётимизни чуқур ўрганиб чиқиш керак. Шу пайтгача жумҳуриятимиз фақат хом ашё ишлаб чиқарувчи базага айланиб қолган эди, қайта ишлаб чиқарувчи тармоқлар яхши ривожланмаганди. Энди бунга барҳам бериш зарур.

Клуб аъзоларидан яна бири ўз-ўзини бошқаришга ўтадиган бўлсак, ишни нимадан бошлаш кераклиги ҳақида сўради.

— Аввало ерни ҳақиқий эгаси — деҳқонга бериш, корхоналарга, район ва вилоятларга иқтисодий эркинлик берилишини таъминлаш талаб қилинади...

Хуллас, мулоқотга тўпланганлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассисдан жавоб олиб, жумҳуриятимиздаги иқтисодий аҳволдан чуқуроқ хабар топдилар.

Ф. АСҚАРОВА.

24 СОАТ ИЧИДА

⊙ ПЕКИН. Далян (Хитой Халқ Республикасининг Ляоин шимолий-шарқий вилояти) шаҳрида Совет Ўзбекистонида анъанавий Хитой табобати касалхонасини очиш тўғрисида шартнома имзоланди. Синьхуа агентлигининг хабар қилишича, Далян экспорт-импорт уюшмаси билан Ўзбекистондаги Гулистон шаҳрининг кооператорлари лойиҳанинг ҳаммуаллифлари бўлдилар. Янги табобат фирмасини бунёд этишга 1,5 миллион сўм сарфланиши режалаштирилмоқда. Ташкилотчилар сарф-харажатлар икки йилда қопланишига умид қилишмоқда.

⊙ НЬЮ-ЙОРК. ЮТА штатидаги Солт-Лейк-Сити касалхоналаридан бирининг шифокорлари инсон организмига ўпка фаолиятини бажарувчи сунъий асбобни ўрнатдилар. Шифокорлар қон томир оксигенатори деб аталган соч толасидек ингичка найчаларнинг митти тўқимаси икки соатли операция чоғида ўпкаси хаста 16 ёшли қизга ўрнатилди. Бу асбоб ўпканинг ўрнини бутунлай босмайди, балки вақтинча — бемор соғайгунига қадар қонга кислород етказиб бериш ва уни юракка узатиб туришдек муҳим вазифани бажаради.

⊙ ҚОҲИРА. Миср полицияси Қоҳира районларидан бирида қурол-яроғ ишлаб чиқарувчи чинакам яширин фабрикани фош этган, деб хабар беради «Ал-ахром» газетаси. Тинтув чоғида у ерда тайёрланган бир неча ўнта ўқ отиш қуроли ҳам топилган, яширин фабрика маҳсулоти Қоҳирадагина эмас, мамлакатнинг кўпгина вилоятларида ҳам жиноятчи унсурларга сотилиб турган.

⊙ БОНН. ГФР жанубида кеча кечқурун ва бугун тунда ҳукм сурган, бўрон оқибатида бир киши ҳалок бўлган, ўнлаб кишилар жароҳатланган, неча миллион марка моддий зарар етган. Бўрон Саар, Гессен, Рейнланд-Пфалц ва Бавария ўлкаларини қамраб олган.

24 СОАТ ИЧИДА

Партия сафларининг мустаҳкамлиги учун

ЎЗИНИ ОҚЛАГАН УСУЛ

БУТУНИТТИФОҚ XIX партия конференцияси қарорлари коммунистлар олдига юксак талабларни қўйди. Зеро, коммунистларнинг жанговарлигини ошириш, партия сафларини мустаҳкамлаш ва партияга қабул қилиш сифатини янада яхшилаш партия ташкилотларининг энг асосий вазифаларидан биридир. КПСС Марказий Комитетининг 1987 йилдаги «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарори партия ташкилотларининг ишида дастуриламал бўлмоқда.

Шаҳримиздаги Ф. Хўжаев номли 1-пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия комитети бу борада намунали тажрибага эга. Партия сафига қабул қилиш бу ерда икки йиллик синов даврига тўғри келмоқда. Яъни, партияга кирувчини бир йил меҳнат коллективи ва цех бошланғич партия ташкилоти синайди, бир йил эса у партия аъзолигига номзодлик даврида синовдан ўтади. Шундан кейингина номзод аъзоликка ўтиши мумкин. Шунингдек, партия сафига аъзо бўлиш учун корхонада у икки йил ишлаши ҳам шарт қилиб қўйилмоқда. Табиийки, бундай тадбирлар ўз самарасини бера бошлади. Хусусан, партия сафига кейинги вақтда сиёсий онги пишиқ, фаол жамоатчи ва ҳозирги давримизнинг иқтисодий концепциясини тушунадиган кишилар қабул қилина бошлади. Корхонада 1989 йил охиридан бошлаб КПСС Марказий Комитетининг партия сафига қабул қилишнинг эксперимент услуби ҳақидаги қарори ҳам жорий қилина бошлади. Бу усулда партия сафига номзодликка фақат корхона партия ташкилоти қабул қилади, район партия комитети эса умуман бу ишга аралашмайди. Агар партия аъзолигига номзод бир йиллик синов даврини муваффақиятли ўтаса, у корхонада партия аъзолигига қабул қилиниб, кейин район партия комитетига тавсия қилинади. Шу эксперимент услубда корхона партия ташкилоти бир кишини партия аъзолигига номзодликка қабул қилди. Бу КПСС Марказий Комитетининг партия сафларига қабул қилиш услубини ўзгартириш учун КПСС XXVIII съездида муҳокама қилишга мўлжалланган таклифидир.

Бирлашма партия комитетида партия сафларини мустаҳкамлашнинг бутун бир комплекс программаси ишлаб чиқилган. Бу программага коммунистлар аттестацияси, коммунистларнинг сиёсий ва иқтисодий онгини ошириш, уларнинг доимий равишда партия ташкилотлари билан яқин алоқада бўлишига эришиш вазифаси киради. Корхона партия комитетида бўлиб ўтган коммунистлар аттестацияси коммунистлар сафини мустаҳкамлашда айниқса ижобий роль ўйнади. Аттестация икки йилга яқин муддатни ўз ичига олди. Аттестацияда коммунистлар ҳозирги энг мураккаб бурилиш даврида ўзларининг ўринларини белгилаб олдилар. Коммунистларнинг айримлари бошланғич партия ташкилотидан анча узоқлашиб қолган эдилар, бундай коммунистлар билан алоҳида суҳбатлар ўтказилди. Натижада 10 коммунист аттестация имтиҳонидан ўта олмади. Аттестация давомида яна ўн коммунист шартли равишда аттестация имтиҳонидан ўтди.

Корхона партия комитети бирлашмадаги ишлаб чиқариш ишларига ҳам маъмурият билан бевосита раҳбарлик қилиб келмоқда. Маҳсулот сифатини ошириш, янги маҳсулотларни қўпайтириш, ишлаб чиқаришга замонавий янги техниканы жорий этиш партия комитетининг диққат марказида турибди.

Ҳ. КАРИМОВ.

Минг бир касб

Йўлингиз бехатар бўлсин

ТРАМВАЙ пойтахтимиз турмушига шу қадар сингиб кетганки, бирор сабаб билан беш-ўн минут кечикиб қолса, бекатларни йўловчилар тутиб кетади. Қанчадан-қанча одамларнинг ҳуноби ошади. «Айб ҳайдовчиларда, ношудлар» сингари таъналарни эшитишга тўғри келади. Бундай гапларни ҳозирда 7-трамвайда ҳайдовчилик қилаётган Ҳакимжон ака кўп маротаба эшитган.

Трамвай ҳайдовчиси бўлишга қатъий қарор қилгач ўрта мактабни тугатибоқ, тўппа-тўғри депога ишга кирди. Бу ерда у устози Абдулла ака Мирзаахмедов кўмагида трамвай ҳайдашни ўргана бошлади. Ҳакимжон ҳар доим устозининг рулдаги ҳаракатларини зийраклик билан кузатар, насиҳатларини жиддий тингларди.

Мустақил ишлашга янги ўтган пайтларида Ҳакимжон устозининг айтганларича ишлашга ҳар сафар ваъда берарди. Бироқ кўпинча берган ваъдасининг устидан чиқа олмасди. Бунга сабаб йўловчилар билан ғижиллашиб қолган пайтлари кўп бўларди. Ҳаммадан ажабланарлиси, бу «жанжал»да фақат трамвай ҳайдовчиси айбдор деб топиларди. Бир куни Ҳакимжон трамвайни «ЦУМ»дан Ленин номидаги майдон томон елдириб борарди. Ундан юз метрча олдинда эса кўлида тоғора кўтарган кексароқ бир аёл бошини қуйи солганча трамвай йўли томон келаверди. Ҳакимжон «кўриб тўхтар» деган хаёлда негадир огоҳлантирувчи қўнғироқни чалмади, трамвайни секинлатмади ҳам. Қарангки, ўн метрча қолганда, икки томон ҳам талвасага тушиб қолишганди. Бирданига кетма-кет берилган қўнғироқ кампирни эсанкиратиб қўйди. Ҳаяжондан тоғорасини қучоқлаганча йўлнинг қоқ ўртасида қақайиб туриб қолди. Вагон қалқиб кетиб, таққа тўхтади. Салондагилар эса олд томонга мункиб кетдилар. Ҳамма асабийлашган, бесаранжом. Ҳакимжон зарда билан кабинадан чиқиб, ҳали эсини йиғиб олмаган кампирни жеркиб берди:

— Кўзингизга қараб юрмайсизми, тормозим ишламай қолганда нима бўларди?

— Кўзингизга қараб юринг-да, ўғлим, эсим чиқиб кетишига сал қолди, — деди кампир қалт-қалт титраб. Вагон эшиги олдида турган аёл орага тушди:

— Тўғрисини айтганда, айб ўзингизда, қўнғироқни аввалроқ чалиш керак эди.

Аммо ҳамма айбни ҳайдовчига ағдариб кетаётганларнинг бирортаси бу касбнинг ҳам ўзига яраша масъулияти борлигини ҳис этишмади.

— Бу воқеа бўлиб ўтганига анча вақт бўлди. Ўша воқеа ҳамон эсимда,—дейди Ҳ. Содиқхўжаев. — Вагоним олдида қалт-қалт титраб турган аёл ҳали-ҳали кўз олдимда. Кекса кўнглига озор берганимдан ҳамон хижолатдаман. Устозим: «Қўлинг рулда экан, орқангдаги одамларнинг гапига чалғима, ҳаёл сурма, кўзинг ҳамиша йўлда бўлсин» дерди. Мен бу гапларнинг боисини ана шу воқеадан сўнг англадим. Бу менга умрбод катта сабоқ бўлди. Эндиликда ҳар доим зийрак ва ҳушёрман. Бирор марта авария қилиб, бирор кишини шикастлантирганим йўқ...

Ҳакимжон Содиқхўжаев 1958 йилдан буён пойтахтимиздаги Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли 2-депода 7-трамвай ҳайдовчиси бўлиб, меҳнат қилиб келмоқда. У ўз касбининг моҳирларидан ҳисобланади. Бу меҳнатсевар ишчи ўз ишига фидойилиги туфайли қадр топди. «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланди. Яқинда бу жонкуяр ишчи «Меҳнат ветерани» нишонига ҳам сазовор бўлди. Булардан ташқари бир неча бор маъмуриятнинг Фахрий ёрлиқлари билан, пул ва қимматбаҳо буюмлар билан мукофотланди. Бир ўриндиқда кун бўйи йўлдан кўз узмай, асабларни жиловлаган ҳолда эҳтиётлик ва зийраклик билан кузатиб бориш осон дейсизми?! Ҳаракат графигини бузмаслик, шахсий кайфияти хуш-нохуш бўлишига қарамай, керак бўлганда йўловчи билан ширин муомалада бўлиш, вагоннинг техник жиҳатини аъло даражада тутиш ҳазил гап эмас.

Ҳакимжон ака мана шуларнинг ҳаммасини бекаму-кўст бажарибгина қолмай, ҳаммасига улгура оладиган ҳайдовчидир.

С. НОРХЎЖАЕВ.

Шарҳчи сатрлари

Бразилия: қарздаги ҳаёт

Бразилия ташқи қарз ҳажми жиҳатидан жаҳон чемпионидир. Ўтган йилнинг охирига келиб мамлакат қарзи 120 миллиард долларга яқинлашиб қолди. «Солиқ асорати», «Қарз ўраси» деган ўхшатишлар яқин-яқингача газеталар саҳифаларидан тушмасди. Аслида ҳам жуда катта миқдордаги қарз молиясини соғломлаштиришга хизмат қилиши ёки иқтисодчилар ва сиёсатчиларда умидворликни ошириши амри маҳол.

Бироқ бу нарса оддий бразилиялик турмушида ўзининг қандай аксини топмоқда? Баъзи маҳаллий мутахассисларнинг фикрича, оддий меҳнаткаш гарбдан кўпи билан салкам бир минг доллар қарз олган. Шуни айтишим мумкинки, мамлакатнинг молиявий аҳволи уни унчалик ташвишга солмайди, бироқ уни ўзи олган қарзигина безовта қилади. Масалан, у маҳаллий фирмадан узоқ муддатли қарзга арзон машина ёки холодильник, дўкондордан нон ёки пивони қарзга олган.

Бразилия аҳолисининг кўпчилиги мамлакат жуда катта қарз билан ҳам бемалол кун кечириши мумкин, деб ҳисоблайди. Мен шундай иборани бир неча бор эшитишимга тўғри келган: «Агар қарз тўлашга тўғри келадиган бўлса, Амазониядаги машҳур «Серра — Пелада» олтин конидаги барча олтинларни сотамиз, у ерда эса юзлаб тонна олтин бор, шу йўл билан муаммо ҳал этилади».

Тўғри, Бразилияда олтин кўп. Мамлакат олтин қазиб олиш жиҳатидан жаҳонда Жанубий Африка Республикаси ва Совет Иттифоқи билан биргаликда дастлабки ўринлардан бирини эгаллаб турибди. «Серра—Пелада» конидаги олтин изловчилар бундан икки йилча илгари ҳам ҳар ҳафтада 50—60 килограммли соф олтин қазиб олиб, жаҳон рекорди қўйган эдилар. Бразилияликларнинг жаҳон бозорида кўплаб ана шу қимматбаҳо металлни сотиб, ғарб банклари билан ҳисоб-китоб қилиш имкониятига ишончи қай жиҳатдандир жуда соддаликдир ва бразилияликлар халқаро молиянинг, жумладан Лондон ва Цюрих «олтин биржалари»нинг ўзаро мураккаб алоқаларидан хабардор эмаслигини билдиради. Аммо бу нарса уларнинг Жанубий Америкадаги энг йирик мамлакат ташқи қарз муаммосининг уддасидан чиқишга қодир эканлигига ишончини акс эттиради. Айни пайтда ғарб банкирлари Бразилиянинг қарзи ҳаддан ташқари кўп бўлишига қарамай, унга ҳамон бажонидил қарз бермоқдалар. Бразилия раҳбарларининг вақти-вақти билан қарз тўлашни тўхтатиб қўйиш нияти эса Уолл-Стрит ва Париж клубида — ғарбнинг қарз берадиган давлат банклари консорциумидагиларнинг жигига тегмоқда. Маълумки, деб ёзди Бразилия газеталаридан бири, қанча кўп қарз бўлсанг, қарз берувчи сенга шунчалик кўп қарам бўлиб қолади.

1964 йилда ҳокимият тепасига ҳарбийлар келган пайтда Бразилия энг кўп қарздор мамлакатга айланди. Ҳарбийлар ғарбдан дастлабки 10 миллиард доллар қарз олиб, «Бразилия давлати»ни барпо этиш программасини илгари сурдилар. Олинган ана шу қарзга ажойиб йўллар, гидроэлектростанциялар, шаҳарлар, жумладан, мамлакатнинг навқирон пойтахти — Бразилиа бунёд этилди, ҳарбий саноат, авиасозлик вужудга келтирилди. Ўнлаб футбол стадионлари ҳам ўша пайтда қурилди. Ана шу жуда катта ҳажмдаги маблағларнинг бир қисми талон-тарож қилинди. Оддий бразилиялик эса дурустгина уй-жойга эга бўлди. Айни пайтда шаҳарларда камбағаллар яшайдиган даҳалар ҳам кўпайди. Оддий аҳоли ғарб автомобиллари, рўзғор техникаси ва хилма-хил моллар билан мўл-кўл бўлган универсамлардан бахраманд бўлди.

Бундан беш йил илгари ҳарбий режимдан воз кечган ва демократик жамият негизларини барпо этаётган мамлакатда ҳозир турмушнинг барча томонларини янгилаш хусусида гап бормоқда. Кўпчилик миллат янги асрни муносиб кутиб олиши учун «Бразилияча қайта қуриш» зарурлиги тўғрисида гапирмоқда. Бразилия учинчи минг йилликни кофе, футбол ва карнавалларнинг мамлакати сифатидагина эмас, шу билан бирга буюк мамлакат номини олишга даъвогар сифатида ҳам кутиб олмоқда. Бразилия иқтисодий ривожланиш даражаси жиҳатидан ғарб давлатлари орасида 8-ўринни эгаллаб турибди. Ғарбдан кўп миқдорда қарз олиш туфайли бундай тараққиётга замин яратилди. Қарз олинган барча пуллардан оқилона фойдаланилса, янада катта муваффақиятларга эришиш мумкин бўлур эди. Бу борада чангалзорлар орқали ўтган Амазонка темир йўли қурилиши учун сарфланган 10 миллиард доллар маблағ тўғрисида гапириш мумкин. Тропик ёмғирлар мавсумида ана шу йўл ботқоқликка айланади. Аммо миллиард-миллиард долларни фақат ейиш ва ичишга сарфлаган мамлакатларга нисбатан бразилияликларнинг бу хатоси ҳеч нарса эмас.

Юрий БЕСПАЛЬКО,
(ТАСС).
Бразилиа — Москва.

ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Иккинчи йўл фойдаланишга топширилиши туфайли Меҳнат-Жиззах участкасида поездлар қатнови жуда кўпайди.

Ўрта Осиё темир йўлининг ана шу қисмида Тошкентдан Самарқанд, Бухоро, Қаршига поездлар қатнайди. Лекин темир йўл изининг бир томонлама бўлганлиги йўловчилар тушган ҳамда юк ортилган поездларнинг кўпроқ қатнашига имкон бермасди. Шу сабабли составлар кўпинча бошқа йўл орқали айланиб ўтишар, қимматли вақтни бой беришар, ортиқча ёнилғи сарфлашарди.

Юк ортилган поездлар янги из орқали белгиланган ерга 12 соат олдин, пассажир поездлари эса икки ярим соат олдин етиб келмоқда. Иккинчи йўлни «Самарқандтрансстрой» трести билан темир йўл бошқармаси йўл қурилиш-монтаж трести бинокорлари ёткизидилар. Энди бу участка электрлаштирилади.



⊙ ЯНГИЛИК ИЗЛОВЧИЛАР. Инженер-конструкторлар У. Каримов, М. Симаков ва Т. Коваленко СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг механизация ва автоматизация бўлимида меҳнат қилишади.

Р. Шарипов сурати.



⊙ ҲАЙДОВЧИЛАР КЎМАКДОШИ. 7-автопарк созловчиси Валерий Есков.

Х. Мирзакаримов сурати.

Уйлар тезроқ қад кўтарсин деб...

Бинокор темирйўлчилар ғиштдан бунёд этиладиган саноат ва граждан бинолари қурилиши муддатини қисқартирдилар. Бунда Тошкент яқинидаги Бинокор посёлкасида йўл қурилиши трестининг бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатида ишлаб чиқарилаётган кўтарма ҳавозалар ёрдам берди. Кўтарма ҳавозалардан Бухоро, Чоржўй, Ленинободдаги қурилиш-монтаж поездлари фойдаланмоқда.

Ҳавозалар жуда оддий йўл билан ясалади: металл қувурлар худди телевизор антеннаси каби кўтарилиб, йиғиштирилади. Қаватлар юксалиб борган сари, улар билан бирга кўтарма кран ёрдамида ҳавозалар ҳам кўтарилаверади. Айни вақтда нарвон ҳам пайдо бўлади ва у орқали ғишт терувчи ҳаранат қилади.

Ҳамма ишлар ҳавозалардан материалларни йиғиштирмаган ҳолда амалга оширилади. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, бу ҳавозалар ёрдамида қаватлар 10—15 фоиз тезроқ қад кўтаради. Ўрта Осиё темир йўли пассажир хизмати бош инженери В. Шчупак ғишт терувчилар меҳнатини енгиллаштиришга мўлжалланган ушбу ихтиронинг муаллифидир.

(ЎзТАГ).

Миш-мишлар ва ҳақиқат

ДОИМИЙ ВА... ЎЗГАРУВЧАН НАРХЛАР

Бугунги кунда нарх-навони белгилаш снёсати деярли барчани ҳаяжонлантиради. Янги йил заргарлик буюмлари нархида дастлабки ўзгаришларни олиб келди. Кўча-кўйда, транспортда одамлар бу бошланишигина холос, ҳадемай, автомашина ва мебеллар, транспорт ва маиший хизмат нархлари ҳам оширилади, деб гап-сўз қилишмоқда.

Мухбиримизнинг саволларига Ўзбекистон ССР Нарх-наво давлат комитети раисининг ўринбосари А. С. Сандумархўжаев жавоб беради.

— Нарх-наво тушунчаси бамисоли соддадек кўринса ҳам ниҳоятда кенг қамровлидир, — дейди Амирсаид Сандазизович. — Уни белгилашда ижтимоий зарур ҳаражатлар, жонли меҳнат, ҳом ашё, табиий ресурсларнинг энг тўлиқ баҳоси, шунингдек ижтимоий суғурта, кадрларни тайёрлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш харажатлари ва албатта маҳсулотнинг харидоргирлиги ва сифати ҳисобга олинади. Агарда янги нархларни белгилашда ана шу омилларнинг ҳаммаси ҳисобга олинса, асоссиз иқтисодий зарар кўрилишига тезроқ барҳам бериш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, давлат томонидан бериладиган қарзларни қисқартириш мумкин бўлади.

Нарх-наво корхоналарни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини арзонлаштиришга, ишлаб чиқариш чиқимларини камайтириш йўлларини изланишга мажбур қилиши лозим. Одатда у фантехника тараққиётини жадаллаштиришда, маҳсулот сифатини яхшилашда рағбатлантирувчи омил ролини ўтайди. Шунинг учун ҳам нарх-навони белгилаш масалалари вақтинчалик тадбир бўлмай, барча таркибий қисмларнинг «иши»ни синчиклаб таҳлил қилиш, ҳисобга олиб бориш орқали амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларнинг бутун бир комплексидан иборатдир. Шундай қилиб, нарх-навони белгилаш системасини тубдан қайта қуриш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Биринчи босқич — саноат маҳсулотлари улгуржи нархларини, транспорт ва алоқа хизматларининг тарифларини қайта кўриб чиқишдан иборат. Шу йилнинг 1 январидан автомашиналарда, темир йўл транспортида юк ташиш нархлари оширилди. У маълум даражада маҳсулот таннархига таъсир этади, аммо улгуржи ва чакана нархларга таъсир этмайди. Харажатларни қоплашни корхоналар ўз зиммасига олади. Дизель ёнилғиси билан ҳам аҳвол шундай.

— Бугунги кунда бозорни моллар билан мўл-кўл қилиш энг муҳим вазифалардан биридир. Лекин мустақилликни қўлга киритган, хўжалик ҳисобига, ўз-ўзини молиявий таъминлашга ўтган кўпгина корхоналар осон йўлдан боришяпти: буюмга модали тугмачани қадаб, ёки фасонини бироз ўзгартириб, «Янгилик» индексини қўйишади-да, нархини оширишади. Нарх-наво давлат комитети ана шу масалаларни қандай назорат қилаяпти?

— Халқ истеъмоли молларининг нархлари асл моллар кўпроқ ишлаб чиқарилишига хизмат қилиши, турларининг янгиланишига таъсир этиши, бозорга, ўлик, сифатсиз моллар етказиб берилиши йўлига ғов қўйиши лозим. Шу билан бирга нархлар корхоналарининг фойдаси ўсиб боришига таъсир этиши лозимлигини ҳам унутмаслик керак. Меҳнат коллективларининг «Янгилик» индекси бўлган, алоҳида модали моллар нархларини тасдиқлаш борасида талайгина ҳуқуқлари бор. Агар яқин вақтларгача ана шу ҳуқуқлар чекланмаган бўлса, ҳозир устама нарх доимий чакана нархлардан 15 фоиздан ошмаслиги лозим, деб белгиланган. Илгари ишлаб чиқарилмаган моллар нархларининг шартномавий нархлари савдо ташкилотлари билан протокол тузиш асосида тасдиқланади. Бу борада ҳам чеклашлар пайдо бўлди. СССР Олий Советининг, кейинчалик республикамиз Олий Советининг қарорига мувофиқ устама нархлар чакана нархлардан 30 фоиздан зиёд қиммат бўлмаслиги керак. Аммо айрим меҳнат коллективлари харидорлар манфаатини «унутиб», планни қийналмай бажаришга интилиб, тўғри келганича шартномавий нархларни қўйишади, алоҳида модадаги буюм деб, уларнинг нархларини оширишади. Ваҳоланки, улар аввалгиларидан деярли фарқ қилмайди. Устама нархнинг ошиши нарх-навонинг кўтарилишига олиб келади. Иккинчи томондан сохта фаровонлик вужудга келтирилади: енгил саноат корхоналари планларни бажаришади-ю, магазинларнинг пештахталарида моллар кўринмайди. Бундай система нархи қиммат буюмлар ишлаб чиқаришнинг ўсишига олиб келади, бу албатта натурал кўрсаткичлардаги молларни ишлаб чиқариш суръатларидан ўзиб боради. Нарх-наво давлат комитети назоратни кучайтириб, бундай ҳолларга қарши курашмоқда. Биз қонунга хилоф равишда тасдиқланган нархларни бекор қилиб, қўшимча даромад пулини икки баравар кўп миқдорда ундириб олаяпмиз.

Яқинда ўтказилган текширишлар кўпгина корхона ва бирлашмаларнинг раҳбарлари халқ истеъмоли моллари, ишлаб чиқариш-техник маҳсулотларнинг нарх-наво интизомига риоя қилмаётганликларини, арзон, болалар ва қариялар учун мўлжалланган молларни ишлаб чиқариш камайишига йўл қўйишаётганлигини кўрсатди. 2212 корхона ва ташкилотга, бошқача қилиб айтганда текширилган ҳар беш корхонадан бирига нарх-наво интизоми бузилганлиги учун 8,6 миллион сўм миқдорида иқтисодий жазо чораларини қўллашга тўғри келди. Айрим мисолларни келтирамиз. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги системасида 1989 йилнинг тўққиз ойида 1988 йилнинг шу даврига нисбатан ип-газлама, шойи газлама, трикотаж буюмлар, пойабзаллар, пайпоқларни ишлаб чиқариш нархларни ҳисобга олганда 14 фоизга, натурал кўрсаткичлари бўйича эса атиги 17,8 фоизга кўпайган. Республика Маҳаллий саноат министрлиги системасида нарх ифодасидаги ўсиш суръатлари натурал кўрсаткичларидан шойи газламалар бўйича тўққиз фоизга, пойабзаллар бўйича беш фоизга ошиб кетган.

— Савдо корхоналари харидорларнинг манфаатларини ҳимоя қилишлари керакдек туюлади. Ахир уларнинг ходимлари бизни кийинтиришлари, муайян пальто, костюм ва пойабзаллар билан таъминлашлари керак...

— Аммо бундай бўлмаяпти. Бунинг сабабларидан бири савдо ташкилотлари планни товар обороти бўйича бажаришлари керак. Шунинг учун улар ҳам нисбатан қимматбаҳо молларни сотишдан манфаатдор, уларни саноат корхоналаридан бажонидил қабул қилиб оладилар. Корхоналар ва савдо ходимлари нарх-наво орқали ўз манфаатларини ҳимоя қилиб, магазин пештахталарида арзон молларни, мисол учун қариялар учун мўлжалланган молларни камайтириб юборишяпти. Республикамиз аҳолисининг ана шу тоифаси ҳиссасига ишлаб чиқарилаётган тикувчилик ва трикотаж буюмларининг бир фоиздан ҳам камроғи тўғри келади. Ваҳоланки, улар республика аҳолисининг саккиз фоизига яқинини ташкил этадилар. Беш йилликнинг дастлабки йилига нисбатан болалар учун пальто ва этаги калта пальтоларни ишлаб чиқариш икки баравар, ип-газламадан кўйлакларни тикиб чиқариш саккиз баравар қисқарди. Нархи икки баравар ошгани ҳолда катталар учун ҳам этаги узун ва калта пальтоларни ишлаб чиқариш 2,5 барабарга қисқарди. Биз ўн корхона фаолиятини ўргандик, уларнинг атиги ярмидагина ижтимоий арзон нархларда маҳсулот ишлаб чиқарилаётган экан.

Тегишли қарордан сўнг болалар ва қариялар учун мўлжалланган молларнинг улгуржи нархларига белгиланган махсус қўшимча ҳақ нисбатан арзон молларнинг ишлаб чиқарилишини рағбатлантира олмади. Бу йилдан бошлаб саноат корхоналарига маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича план натура ифодасида белгиланмоқда. Мана энди ана шу қўшимчалар ўзининг рағбатлантирувчилик вазифасини бажаради.

Ҳали ҳам «Янгилик» индекси бўлган молларга муваққат нархлар ва шартномавий нархлар ҳеч қандай иқтисодий асосланмаган ҳолда, уларни ишлаб чиқариш учун ҳақиқий сарф-харажатларни ҳисобга олмаган ҳолда белгиланади. Натижада корхона ўзини оқламаган даромадларни олади, унинг бир қисми коллектив аъзоларини моддий рағбатлантиришга сарфланади. Мана бир мисол: Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Тошкент ип-газлама бирлашмаси кўп йиллардан бери 1 метрининг чакана нархи 18 тийиндан медицина докасини ишлаб чиқарар эди. Ўтган йили ана шу арзон молни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаб, бу ерда 1 метрининг шартномавий нархи 40 тийиндан маиший газлама ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. У аввалги докадан ипларнинг зичлиги бир неча толага ошгани ҳолда эниннинг тўрт сантиметр торлиги билан фарқ қилади. Шундай қилиб, корхона ҳеч қандай янгилик киритмай, сифатини яхшиламай, ўз маҳсулотининг нархини 2,1 баравар қимматлаштирди. Натижада дока 40 тийиндан реализация қилинганлиги учун истеъмолчилардан ортиқча 120,1 минг сўм олинди. Шу йилнинг ўзида «Янгилик» индекси бўлган молларнинг нархини аниқлашда 24 артиқулдаги газламалар бўйича улгуржи нархларнинг 639 минг сўмга қимматлашиб кетишига йўл қўйилганлиги маълум бўлди.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигининг Марғилон совға буюмлари фабрикаси калькуляция нархлари бўйича «Алоҳида истиқболли» индекси билан ўн хил буюмни реализация қилиб, қонунга хилоф равишда 317 минг сўм даромад олган. Худди шундай ҳоллар Наманган авруи шойи газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасида, Олмалиқ ва Паркент тикувчилик фабрикаларида, Қувасой маиший химия заводида ҳам бўлди.

Прейскурантлар газлама, безаклар қийматини ҳисобга олган ҳолда молларнинг ҳам энг юқори, ҳам энг арзон нархларини кўзда тутади. Аммо шундай ҳоллар ҳам бўладики, корхона маҳсулот ишлаб чиқариш вақтида хом ашёни янада арзонига алмаштиради, пировард маҳсулотнинг нархлари эса ўзгаришсиз қолаверади. Бу биринчи навбатда истеъмолчилар ҳамёнига зарар келтиради. Бундай қонун бузилишларига республика Енгил саноат министрлиги, Маҳаллий саноат министрлигининг идоравий назорати гов қўйиши керак. Аммо унинг фаолияти юксак савияда ташкил этилган эмас.

— Шу йилнинг 1 январидан улгуржи ва чакана нархлар бекор қилиниб, мева-сабзавот маҳсулотларига, картошкага ва қайта ишланган барча маҳсулотларга шартномавий нархлар жорий этилди. Техник мақсадларга мўлжалланган узум бундан мустасно. Бу нархларнинг чекланмаган даражада ўсишига олиб келмайдими, ахир колхозларнинг ва савдо ташкилотларининг ходимлари харидордан сўраб ўтирмай, ўзаро келишадилар?

— Шартномавий нархлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқарилишини, мева ва сабзавотларнинг ўз вақтида йиғиб-териб олинишини рағбатлантириши керак. Шу билан бирга зарур ҳолларда энг юқори чакана нархларни қатъий белгилаб қўйишга рухсат берилган. Бундай ҳуқуққа область ижроия комитети, Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети эга. Агар шартномавий нарх энг юқори чакана нархдан қиммат бўлса, ўртадаги фарқ маҳсулот реализация қилинадиган жойнинг ижроия комитети томонидан қопланади.

Тажриба бир маҳсулотнинг шартномавий нархи, мисол учун Тошкентда ва Нукусда, турлича бўлиши мумкин эканлигини кўрсатмоқда. Бу шартнома билан ҳамда мавсум ва зоналар билан боғлиқ.

Пахта ҳақида бир неча оғиз сўз. Маълумки, СССР халқ депутатлари II Съездининг қарори билан пахтанинг янги улгуржи ва харид нархларининг жорий этилиши 1991 йилга қолдирилди. Аммо бу йил учун тармоққа иттифоқ бюджетидан 790 миллион сўм қўшилди. Шу маблағнинг 70 фоизи пахтакорлар меҳнатига ҳақ тўлаш учун кетади.

— Бизда кооперативлар тобора кенгайиб бораяпти. Нархларнинг ошишига улар сабаб бўлмаяптими?

— Ҳа, кооперативлар ўз маҳсулотларининг нархини сарф-харажатлардан, турли ажратмалардан ва харидорлар талабидан келиб чиқиб, мустақил белгилайдилар. Ҳозир саноат корхоналари қошида талайгина кооперативлар пайдо бўлди. Агар улар хом ашёни улгуржи нархларда олишса, давлат буюртмаларини бажаришса, маҳсулот давлат чакана нархлари бўйича сотилади. Улар давлат буюртмасидан ташқари ишлаб чиқарилган маҳсулотларигагина шартномавий нархларни қўйиш ҳуқуқига эга. Ана шу маҳсулотлар учун хом ашёни базавий корхона кооперативга чакана нархлар бўйича беради. Айни вақтда давлат буюртмаси бўйича, давлат нархларида маҳсулот ишлаб чиқарувчи кооперативлар солиқ тўлашда имтиёзларга эга бўлади.

Маълумки, кўпгина умумий овқатланиш кооперативлари ёпилди, ўз хом ашё базаси — ёрдамчи хўжалиги бўлганларигина қолди. Энди район ижроия комитетлари давлат савдо корхоналари қаторидан уларнинг тоифасини ҳам белгилаши керак. Бу нархларга ҳам таъсир этмай қолмайди.

Пировардида шуни айтмоқчиманки, чакана нархларнинг ўзгариши ҳукумат қарорларига боғлиқ. Бундай масалалар албатта умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилади.

О. ХАРЧЕНКО.

Дўстлик ришталари

Ўзбекистоннинг Андижон области корхоналари билан Краснодар ип-газлама комбинати ўртасида мустаҳкам алоқалар ўрнатилган. Ёш тўқувчилар билим юртларини тугатганларидан сўнг Краснодар ип-газлама комбинатига ишга келишади, шу ерда мутахассис бўлиб етишишади, дўстлар орттиришади. Ёшлар ихтиёрига яхшигина ётоқхона, бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари учун маданият саройи, спорт иншоотлари бериб қўйилган.

Тожиддин Ҳамроҳўжаевнинг комбинатнинг меланж фабрикасида мастер ўринбосари бўлиб ишлаётганига мана 7 йил бўлиб қолди. Унинг умр йўлдоши адигейлик Зурриёт шу комбинатнинг ўзида лаборант бўлиб ишлайди.

СУРАТДА: андижонлик ёш тўқувчилар ҳамюртлари Тожиддин Ҳамроҳўжаевникида меҳмонда.

В. Кожевников (ТАСС) сурати.



ШУНДАЙ китоблар борки, ҳар куни ўқилади, ҳар ўқиганда янги маълумот ва билим олинади. Бундай китобларнинг қамрови кенг бўлади, халқ ҳаётининг ўтмиши ва шу кунги ҳаётидан баҳс этади. Ундаги билим кишининг маънавий оламини бойитади. Бу хил китоблар иш дастуридан доимий жой олади. «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган «Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати»ни худди шу мазмундаги асар дейиш мумкин. У Қарши Давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудири, филология фанлари номзоди, доцент Тўра Нафасов қаламига мансуб.

Ном маъноларининг кўзгуси

Китобхон мулоҳазаси

Топоним — жой номи демакдир. Ном — сўз, лекин тилдаги оддий сўзлардан фарқ қилади. Сўз жой номига айлангач, ўзига хос луғавий маънога, ижтимоий мазмунга, эстетик қимматга эга бўлади. «Балиқчи» деганда балиқ тутувчи киши тушунилади. Шу сўз билан аталган район, қишлоқ номлари тилга олинганда бу маъно кўзда тутилмайди. Балиқчи — ясама сўз. Қадимги туркий тилда балиқ сўзи қўрғон, қишлоқ, шаҳар маъносини англатган. Бу сўз сал товуш ўзгариши билан мўғул ва тунгус-манжур тилларида ҳам бўлган. Шу тилларнинг келиб чиқишига асос бўлган олтой боботилида ҳам бу сўз бўлган.

Тошкент вилоятидаги Оқбалиқ, Қорабалиқ қишлоқ номлари шу сўзга даҳлдор. Афғонистондаги Балх номи ҳам балиқ сўзидан келиб чиққан. Илк ўрта асрдаги Бешбалиқ, Ўрдубалиқ, Қузбалиқ, Хунбалиқ, Янгибалиқ, Баранасбалиқ, Илибалиқ, Бойбалиқ, Тарғубалиқ каби шаҳар номларининг юзага келишида ҳам балиқ сўзининг ҳиссаси бор. Китобда зикр этилишича, ҳатто қорахонийлар давлати маркази бўлган Баласағун шаҳри номи ҳам шу сўздан ясалган. Балиқ сўзидан балиқчи уруғ (қабила) номи яралган. Туркий халқларнинг узоқ ўтмишида қалъа қўриқчисини балиқчи дейишган. Бу сўзнинг қадимда қўрғон ичида яшовчи, шаҳарлик маъноси ҳам бўлган. Шу иш билан машғул бўлган шаҳслар балиқчи дейилган. Шу тариқа этноним юзага келган. Балиқчилар Ўзбекистоннинг эрамиз бошларидан буён яшаб келаётган туб, қадимий аҳолиси саналади. Ўзбек халқининг ана шу тарихий кечмиши Балиқчи номида акс этган. Балиқчи, Балиқчитўп, Балиқчигузар, Олимбалиқчи каби қишлоқлар Фарғона ва Андижон, Қашқадарё ва Тошкентда ҳам бор.

Изоҳли луғатда 5 мингга яқин номлар тадқиқ қилинган. Аксарияти аҳоли пунктлари — шаҳар, қишлоқ, маҳалла, гузар, кўча номлари. Сувликлар (дарё, кўл, ариқ, ҳовуз, сой, қудуқ, жилға, қоқ, булоқ) ва ер юза тузилиши шакллари (тог, чўққи, қир, дара, баландлик, тепа, дашт, дала, майдон, яйлов) номлари ҳам танлаб киритилган. Халқ нутқида кўп қўлланадиган, кўпчиликка таниш номлар изоҳланган.

Ўзбекистоннинг қадимий номлари ҳам луғатда ўз таҳлилини топган. Аёқчи, Аймоқ, Азизбулоқ, Алачабоф, Ангор, Арлот, Арна, Аргун, Аскартепа, Ачамайли, Бадахшон, Балхи, Барлос, Мақирчи, Баҳористон, Баҳрин, Бағиштепа, Бешкент, Қараман, Чигатой, Бобиртепа, Қорабайир, Чамбил, Қарши, Бойсун, Бешқозоқ, Қорахони, Бешариқ, Чандир, Чақар, Уйчи, Уйшун, Булунғур, Қапчиғай каби номларнинг изоҳи илмий, асосли, ишончли. Ҳар бир ном тил, тарих, география, этнография маълумотлари билан қиёсланиб таҳлил этилган. Айниқса туркий ва эроний тилларнинг энг қадим замонлардаги муносабатлари жой номлари мисолида тадқиқ этилиши таҳсинга сазовор. Қадимги туркий тил сўзлари ва сўз ясовчи қўшимчаларидан ясалган жой номлари изчил текширилган. Қадимги сўғд, хоразмий, форс, тожик тилларининг жой номларидаги излари аниқланган. Бу маълумотлар ўзбек халқи тарихини ўрганишда моддий манба бўлиш билан бирга, халқимиз тарихи саҳифаларини янги маълумотлар билан бойитиши ҳам табиийдир.

Китобнинг илмий, амалий фазилатлари кўп. Ҳар бир номнинг ўрни, қандай жойнинг атамаси эканлиги кўрсатилган, райони (музофоти) уқтирилган, атрофидаги йирик аҳоли маскани қавс ичида берилган.

Номга асос бўлган сўзнинг туркий ва эроний халқлар тилларидаги маънолари ва товуш шаклининг, қадимий ва ҳозирги ҳолатининг берилиши оддий китобхон учунгина эмас, тил ва халқ тарихи тадқиқотчилари учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, 400 га яқин илмий манбанинг ҳар бир ном изоҳда бериб борилиши китобнинг қадр-қиммати ва илмийлигини оширган. Махсус атама (терминлар) маъносининг берилиши ҳам луғатнинг ўқимишлилигини оширган, деб айтишга асос бўла олади.

Луғатнинг баҳсталаб ўринлари ҳам йўқ эмас. Дарча, Тўполон, Бўлмас, Эркин, Қамай, Қамаши, Хурсанд, Кеш, Тўпчоқ, Косон каби номларнинг келиб чиқиши, маъноси ҳақидаги фикрлар илмий ва тарихий жиҳатдан ишончли эмас. Шунингдек, рисолада умумий фаразларга асосланиб шарҳ қилинган таҳлиллар ҳам бор.

Жой номлари тадқиқотчиси Тўра Нафасовнинг ушбу китоби оддий изоҳли луғат эмас, илмий йўналишдаги тадқиқотдир. Номларнинг тил ва тарихий анализи китобнинг йўналишини ўзгартган, этимологик луғат ва тарихий-қиёсий илмий асар мазмунини бахш этган. Шу фазилати туфайли у ҳар бир хонадоннинг китоби бўлиб қолиши турган гап.

Тўлқин РАСУЛЕВ.

Шахсий фикрим

Бекатларга ҳам тегишли

ШАҲРИМИЗ метроси, айниқса ноқулай об-ҳавода узоқни яқин қилиши билан ҳамманинг жонига оро киради. Бу ерда йўловчилар учун яратилган қулайликлар, бекатларнинг турли-туман ер ости қасрларидан иборат эканлиги, ўринли қўйилган номлар дилни қувонтиради. Шу ўринда метромизга миллийлик бағишлашга хизмат қилувчи айрим таклиф ва истакларни айтиб ўтмоқчиман.

Агар эътибор берсангиз, вагонга кириб-кирмасингиздан диктор-нинг магнит лентасига ёзилган овози жаранглаб ушбу ва кейинги бекат номларини икки тилда эълон қилади: Масалан, «Пушкин» станцияси, кейинги станция Ҳамид Олимжон», «Станция Пушкина, следующая станция Хамида Алимджана». Ҳамид Олимжон бекатига етиб келгач, бу ном яна икки бор такрорланади ва бу ҳол узлуксиз «занжир» сингари йилнинг ҳар кунида эрталаб соат олтидан тунги биргача қўшимча шовқин яратиб қайтарилиб келмоқда. Агарда шаҳарлараро автобусга чиқиш учун Горький бекатига тушиб, Собир Раҳимовгача борсангиз биргина «станция» деган атамани эллик мартага яқин такрорлаб айтилганига гувоҳ бўласиз. Баъзи бекатларда эса нариги йўлга етиб келган электропоезд вагонларида жаранглаган айнан шу сўзлар қўшимча бўлади.

Бекат номлари деярли таржима қилинмайди, ҳатто «Фазогирлар хиёбони» дейилиши керак бўлган бекатни ҳам ўзбек тилида бузиб «Космонавтлар проспекти станцияси» деб эълон қилинади. Ўзбекистон ССР Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг 24-моддасида бекатлар ва бошқа жуғрофий ҳудудли ўринларнинг номлари ягона миллий шаклда берилади ва республика тилида ёзилади, дейилган. Бу модда ер ости бекатларига ҳам тегишли эканлигига ҳеч шубҳа йўқ. Шунга кўра, ҳеч кечиктирилмасдан, бекатлар номи давлат тилида эълон қилинаверса бўлади, бу билан кўплаб «қулоқларни» ортиқча шовқиндан, яъни беҳуда қайтариладиган номларни эшитишдан халос қилиниб, асабни асрашга ҳисса қўшилади.

Тошкент шаҳри кўчаларини, мактаб, интернат, идора, муассаса, бошқарма кабиларнинг номларини тузатишдек хайрли ишга қўл урган «Топонимик комиссия» шаҳримиз фахри бўлмиш метромизнинг айрим бекатлари («Ташсельмаш», «Комсомол», «СССР 50 йиллиги» кабилар) номларини ҳам эътибордан четда қолдирмасликлари, шу жойлар ер сатҳининг қадимги номлари билан (Чилонзор, Чорсу бекатлари сингари) ҳам боғлашлари керак. Тоғларимиздан топилган янги ер ости ғорлари шу жойдаги сой, тог мавзеси, қишлоқ номи билан атаб келинмоқда. Бунга мисол қилиб Бўстонликдаги дунёга машҳур Обираҳмат, Хўжакент, Оқтош сингари ғорларни кўрсатиш мумкин. Топонимик комиссия аъзолари шаҳримиз тарихи билан шуғулланган А. Муҳаммаджонов сингари билимдон олимлардан қимматли маслаҳатлар олишлари зарур.

Исмоил ОТАЖОНОВ,
СССР Географияи жамиятининг ҳақиқий аъзоси.

Маданият хабарлари

⊙ **МОСКВАГА — КЎРГАЗМАГА.** Пойтахтда очилаётган Бутуниттифоқ «СССР халқ санъати» кўргазмасига Тошкентдан контейнер жўнатилди. Контейнерга республикамизга бағишланган бўлимда намойиш этиладиган асарлар, Ўзбекистонда кенг тарқалган халқ ҳунармандчилиги барча турларининг намуналари ортилган. Булар кулолчилик буюмлари, ёғочга ўйиб ишланган нақшлар, наштачилик, мисгарлик буюмлари, локланган миниатюралардир. Сопол буюмлар, шу жумладан Самарқанд ва Бухородан келтирилган майда пластмасса буюмлар айниқса кенг намойиш этилади. Буларни бадиий кўргазмалар Тошкент дирекцияси тўплаган.

⊙ **ТОШКЕНТ КОНСЕРВАТОРИЯСИНИНГ ТАЛАБАСИ** Зуҳра Каримовага С. Рахманинов номли Бутуниттифоқ пианиночилар конкурсида Ўзбекистондан вакил бўлиш ҳуқуқи берилди. Пианиночи профессор Офелия Юсупованинг шогирдидир. Ўтган йили у ёш ижрочилар республика конкурсида лауреат бўлган эди. Унинг репертуаридан рус ва чет эл классикларининг асарлари ўрин олган.

⊙ **ОЛИС ҚИШЛОҚЛАРГА — ГАСТРОЛГА.** Қишлоқ аҳлининг улар ҳузурига концертлар билан келиш тўғрисидаги илтимослари Тўхтасин Жалилов номидаги халқ чолғу асбоблари оркестрини янги гастроль маршрутларини белгилашга чорлади. Бу сафар оркестр Сурхон водийси ва Қашқадарё областига йўл олди. Республиканинг шаҳар ва районларига, мамлакатнинг бошқа регионларига тез-тез сафар қилиб туришларига қарамай, созандалар бу жойларда анчадан буён концерт қўймаган эди. Шунинг учун ҳам улар мазкур областларнинг меҳнатчилари олдида катта масъулиятни ҳис этишмоқда. Оркестр ўзбек муаллифлари асарларидангина эмас, рус ва хорижий композиторларнинг куйларидан ташкил топган программани тайёрлади.

(ЎзТАГ).



⊙ **ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР.** Шаҳримиздаги Островский номли пионерлар саройи «Совға буюмлари» тўгарагининг аъзолари Наташа Фаттоҳова ва Ирина Буланова. **Р. Шарипов** сурати.

ЯПРОҚЛАР

Ҳикоя

— 1 —

ОЗОД сўнгги бекатга келиши билан шивалаб ёмғир ёға бошлади. Автобус ойнасига тозалагичларни ўрнатгач, диспетчерлик пунктига кириб йўл варақасига белги қўйдирди-да, қайтиб автобусга чиқиб ўтирди. Қўлларини чамбаракка ташлаганча, олд ойнага урилаётган томчиларга тикилиб қолди, кейин соатига қаради: вақт бўлибди. Озод тезлик кўрсаткич ёнидаги тугмачаларни бир-бир босар экан, шундоққина тепасига ўрнатилган кўзгуга қаради. Бир-икки ўриндиқни ҳисобга олмаганда, ҳаммаси одамлар билан банд эди. Олдинги ўриндиқдаги бир аёл қизчасини нимагадир койир, ўйинқароқ қизчаси эса онасининг гапларига парво ҳам қилмай, терлаб қолган ойнага бир нималарни чизарди. Кейинги ўриндиқдаги қиз эса, китоб мутолаасига берилиб кетган. Шу пайт Озод орқароқдаги ўриндиқда кафтини иягига тираб, ташқарига тикилиб ўтирган Нилуфарни кўриб қолди. Беш ёшлар чамасидаги қизи ёнида қўғирчоғи билан овора эди.

Озод бир қанча вақт улардан кўз узолмай ўлтирди, ниҳоят микрофонни қўлига олди, аммо томоғига бир нарса қадалиб қолгандай, гапира олмади. Қўли гоҳ калитга, гоҳо узатмалар қутисига борар, ҳаяжонини сира босолмасди. «Ўзгармабди, ҳамон ўша-ўша». Бир оз шундай ўлтиргач, моторни ўт олдириб машинани юргизди.

Йўлда кетиб борар экан, кутилмаганда мусиқасимон садо Озоднинг диққатини ўзига жалб қилди. У ён томондаги ёмғир томчилари оқиб улгурмаган кўзгуга қаради. Сутранг «Жигули» қувиб ўтаркан, ғилдираклари остидан фаввора мисол лойқа сувни сачратиб кетди. «Намунча шошмаса», — ўйлади Озод. Хаёли Нилуфарга кўчди. Эсида, ўшанда ҳайдовчилик курсини эндигина битириб, шалоғи чиқиб кетган эски «Москвич» машинасини ҳайдаб юрарди. Баҳорнинг ёмғирли кунлари эди, ишини тугатиб, гаражга қайтаётганди. Чорраҳада яшил чироққа улгурай деб тезликни оширди. Асфальт йўлда тўпланиб қолган лойқа сув сачраб пиёдалар йўлкасида турган қизнинг уст-бошини шалаббо қилган эди.

Озод бир кўнгли «тўхтамай кетворайми?» — деб ўйлади-ю, лекин виждони йўл қўймади. У машинани четга олиб тўхтатди. Қизнинг олдига келганда у рўмолчаси билан уст-бошини тозалаётганди.

Озод шу тобда қизга нимадир дейиш кераклигини сезса-да, лекин тили калимага келмасди. Ниҳоят сўз қотди:

— Юринг, тозалатиб бераман.

— Керакмас, — деди қиз зарда аралаш.

— Уйингизга элтиб қўяй бўлмаса.

— Ўзим етволаман.

— Бундай аҳволда қандай қилиб етволасиз? — деди Озод унинг уст-бошига ишора қилиб. Қиз кўйлагига тикилганича ўйланиб қолди...

Қиз ноилож орқа ўриндиққа ўтирди. Озод машинани ҳайдаб борар экан, кўзгудан тез-тез қизга қараб қўяр, қиз орқа ўриндиқда оёқларини чалиштириб олган куйи этагидаги қуриб қолган лойқа сув доғларини тозаларди.

Кутилмаганда қизнинг кўзи кўзгуга тушди-ю йиғитнинг ўзига тикилаётганини кўриб, уялганидан кўзларини олиб қочди. Ўртадаги бу ноқулай аҳволдан чиқиш учун Озод узр-маъзур билдиргандай бўлди.

— Эҳтиётсизлигим учун узр, бунақа бўлади деб сира ўйламовдим.

— Энди бефойда, бўлар иш бўлди, — деди қиз.

Бироз йўл юрилгач:

— Мана етиб ҳам келдик, у ёнига озгина қолди, ўзим етволаман, — деди.

Озод йўл четида тўхтади, қиз машинадан тушиб йўлка бўйлаб пиёда кета бошлади. У қизнинг ортидан узоқ тикилиб қолди.

...У йўловчиларнинг эътирозидан ўзига келди.

— 2 —

— 3 —

— Ўв, укам, автобусни тўхтатворинг, бекатдан ўтиб кетдинг.

Озод йўловчиларга узр айтиб, уларни туширгач яна йўлида давом этди.

* * *

ОНА-бола эрталаб тамадди қилиб ўтиришганда онаси ўғлига қўнғлини ёрди:

— Болам, беш кунлигим борми, йўқми, келин кўрсам, хизматимни қилиб юрса, бир неча кундан бери айтай дейману сенинг вақтинг йўқ, эрталаб шошиб чиқиб кетасан, кечқурун ҳориб қайтасан. Қўшни маҳалламиздаги Сурайёхоннинг қизини анчадан бери кўз остимга олиб қўйганман, ўзи жуда одобли қиз. Кўнглингда бўлса айт, бўлмаса уларникига борай.

Озод вужудида ички бир қувончни туйди, чунки онаси айтган хонадон унинг кўнглидаги айнан ўша қиз, яъни Нилуфарларники эди. Ўғлидан садо чиқавермагач, онаси хотиржам тортиб ўрнидан турди.

...Кутилмаганда меҳмонларнинг кириб келиши ҳовлида қуймаланиб юрган Сурайё опани довдиратиб қўйди.

— Вой ўлмасам, келинглар-келинглар, — дея она меҳмонларга пешвоз юрди.

—Узр, сизни ишдан қолдирадиган бўлдик, айбга буюрмайсиз, — деди Озоднинг онаси.

— Зарари йўқ, эшикли уй, одам бор жойга одам келади, — дея мезбон улар билан кўришгач ичкари уйга бошлади.

— Овора бўлманг, шу ерга ўтира қолайлик, — деди Озоднинг онаси ҳовлидаги супага ишора қилиб. Ўтиришди. Фотиҳа ўқилгач, меҳмон гап бошлади.

— Қизлик уй — карвонсарой дейишади. Қизингизга қулчиликка келдим, кўзим очигида ўғлимнинг бошини икки қилсам деган ниятим бор, — армия хизматидан келганига ҳам ярим йилдан ошди, ҳозир автобус ҳайдаяпти, иши ёмонмас, кундалик беш-тўрт тангаси бор.

Сурайё опа «ҳайдовчи» деган сўзни эшитди-ю, беихтиёр кўз ўнгида анча йил илгари бўлиб ўтган бир воқеа жонланди. Ўшанда кечаси билан алоқ-чалоқ тушлар кўриб чиқди. Эрталаб ишга кетаётиб ота-онасини ўйлади. «Тинчмикин?» Кечгача ишида унум бўлмади, ишхонасидан бир-икки сим қоқди, жавоб бўлмагач, ишдан сўнг уйга ўтишни кўнглига тугиб қўйди.

Кечқурун Сурайё онасиникига йўл оларкан, эрига бугун уйга кириб ўтаман демаганига ачинди. Бирров кириб чиқаман дегани билан уйда меҳмонлар бор экан, анча вақтгача қолиб кетди.

Устига-устак бекатда автобус кутиб, анча туриб қолди. Вақт эса ўтиб борарди. Охири тоқати тоқ бўлган Сурайё йўловчи машиналарга қўл кўтарди. Олдига келиб тўхтаган машина ҳайдовчисидан Мевазорга ташлаб ўтишини сўради.

— Жоним билан, сиз айтасиз-у, мен ташлаб ўтмайманми?!

Ҳайдовчининг бу гапидан Сурайёнинг машинага ўтиргиси келмади-ю, лекин шошаётганидан нолож ўтиришга мажбур бўлди. Ўтириши билан димоғига «гуп» этиб арақ ҳиди урилди.

Бироз йўл юрилгач ҳайдовчи унга бир-икки оғиз илмоқли гап қилди. Сурайё хижолат тортди, тушиб қолай деса одам зоти кўринмасди. Қоронғу тун ичида «Волга» чироқларининг ўткир нури йўлни ёритиб борар, ҳайдовчи эса тинмай жаврарди.

— Қайси ресторанни хоҳлайсиз, кўнглингиз тусаганини муҳайё қиламан, жонидан! Тортинмай айтаверинг!

Феъли бузуқ одамга биринчи бор йўлиққан Сурайё довдираб қолди.

— Тўхтатинг, тўхтатинг, деяпман! — қўрқув-ваҳимада Сурайёнинг тили аранг айланарди. Ҳайдовчининг феъл-атвори баттар бузилди. Чап лунжи тўла тилла тишларини иршайтириб қулди. Шу дамда унинг қўли аёлнинг сонида ўрмаларди. Машина секинлади. Сурайё жонҳолатда ҳайдовчининг юзига тарсаки тортиб, эшикни очди ва «Ёрдам беринглар!» дея додлаганча машинадан ўзини пастга отди. Қўйлагининг бир ён чоки йиртилиб кетди. Қаердандир пайдо бўлган одамлар уни кўтариб йўл четига олиб чиқишди.

— 4 —

Бу дамда машина аллақачон қоронғулик ичига ғарқ бўлганди...

Сурайё уйга келганида ҳали ҳам ўзини қўлга олиб улгурмаганди. Уни кўриб эрининг юрагидан нимадир чирт этиб узилгандек бўлди. Кўзларига қон қуюлиб кетди:

— Ҳа, зиёфатданми?! Бу ёғи жуда-а қуюқ бўлганга ўхшайди. Қўйнимга илондек кирволиб, ҳунар кўрсатиб юрган экансанда?

— Ҳа, ҳа, ҳунар кўрсатиб юрибман! — Сурайёнинг бўғзига нимадир тиқилди. Кўзларига ёш қуйилди. — Мен ёмонман шунақа, — дея отилиб ичкари уйга ўзини урди.

Шу куни елкасига костюмини ташлаб чиқиб кетганича эри Алимардон бошқа қайтиб келмади. Ўшанда Нилуфар ўн яшар қизча эди. Қизини ёлғиз ўстирди. Отаси йўқлигини билдирмади. Оқ ювиб, оқ таради.

Ҳозир ҳам кўча тўла машиналару — улардаги турқу тароват турлича. Ҳайдовчиларни кўраргa кўзи йўқ. Бу не кўргиликки, энди унинг якка-ёлғизи ҳайдовчига турмушга чиқса?... Йўқ, бўлмайди! Ҳайдовчиларнинг бари бир гўр.

— Нималарни ўйлаб қолдингиз, айланай? — Меҳмонниинг бу саволидан Сурайё опанинг хаёли бўлинди.

— Йўқ, йўқ, қизим ҳали ёш, бунинг устига йиққан-терганларимнинг камкўсти бор, бўлмайди.

Озоднинг онаси Сурайё опанинг бу сўзларини «Қизи борнинг нози бор» қабилида қабул қилиб индамай чиқиб кетди. Эртасига яна кириб келганда, Сурайё опа кечагидек хушчақчақлик билан қарши олди. Гап яна қизига бориб тақалганда, Сурайё опа шундай жавоб қилди:

— Ўглингиз ҳайдовчи экан деб камситмайман, мени тўғри тушунинг, аммо қизимни ҳайдовчига беролмайман...

— 5 —

ҲАНУЗГАЧА нима сабабдан Сурайё опа рад жавобини берганини Озодга ҳам, унинг онасига ҳам қоронғулигича қоларди. Йиллар ўтиб, Озод уйланди, Нилуфар турмушга чиқди, бола-чақали бўлишди. Ўшандан бери Нилуфарни ҳеч кўрмаганди. Тасодиф туфайлигина уни бугун учратди. Шу хаёллар ичра айланма бекатга келиши билан Озод автобусни тўхтатди. Тезлик кўрсаткичи олдидаги тугмачаларни бир-бир босди. Эшиклар очилди. Шундоққина тепасига ўрнатилган кўзгуга қаради.

Салон бўйлаб қизчасини етаклаганча Нилуфар олд эшикка томон келарди. Эшик олдига етмасдан эса Нилуфар энгашган қўйи қизчасига шивирлаб бир нималар деди. Қизчаси бош силкиди. Автобусдан аввал Нилуфар тушди, қўлларини чўзиб қизчасини кўтариб олмоқчи бўлганида кўзи бехос кузатиб турган Озодга тушди. Шу бир сония ичида йиллар оралиғида хиёл кул босиб қолган, лекин ўзининг ёркин ёғдуси билан икки қалбни ҳамиша нурлантириб турадиган хотиралар яшин мисоли ўтди.

Ниҳоят Озод тилга кирди:

— Яхшимисиз?

Нилуфар бош силкиди, қизчасини кўтарганча асфальт бўйлаб кета бошлади.

Озод ўриндиқда ўтирганча улар ортидан тикилиб қолди. Емғир аллақачон тинган, ойнатозалагичлар эса ҳамон «қўл силкирди». Нилуфар қизчаси билан кетиб борар экан, йўл четидаги азим дарахтларнинг олтин япроқлари уларнинг боши узра сочиларди.

Озоднинг қалбидан бир нидо отилиб чиқди, сассиз бир нидо:

«Наҳот мен севган Нилуфар ҳам менинг ҳаётимда шу япроқлар янглиғ омонат эди...»

«Наҳот!..» Лекин бу нидони унинг ўзидан бошқа ҳеч ким эшитмади...

Исроил ГИБ

— 6 —

«СОВИНФО»—АХБОРОТЛАР БАНКИ

«Новости» матбуот агентлиги 25 йилдан кўпроқ вақтдан бери халқаро ахборотларни айирбошлашда иштирок этиб келади. Агентликнинг жаҳондаги 125 мамлакатда ўз вакиллари, мухбирлари бор. Агентликнинг ўз нашриёти бўлиб, чет элларда ўнлаб журналлар ва газеталарни чоп этади, шу билан бирга минглаб ҳужжатлардан иборат автоматлашган маълумотлар банкига эга.

«Новости» матбуот агентлиги чет эллик шериклари билан ҳамкорлик қилишдан (экспорт, импорт, кооперация, қўшма корхоналарни ташкил этиш ва ҳоказо) манфаатдор бўлса, ўз корхоналарингиз ҳақидаги маълумотларни банкларга ўтказиш сиз учун жуда оқилона қадам бўлади.

Сизнинг маълумотларингиз корхона ва ташкилотингизни реклама қилибгина қолмайди. Улар «СОВИНФО» банкида сақланади, уларга совет бозорлари билан қизиқувчи, муайян амалий таклифлари бўлган минглаб чет эл фирмалари узоқ вақт мурожаат этиб турадилар.

Корхона ва ташкилотингизга доир ахборотлар «СОВИНФО» банкида сақланиши учун халқаро стандартларга жавоб берувчи бланкка тегишли маълумотларни қайд этиб тўлдиришнинг ўзи кифоя. Илова қилинадиган бланкнинг ҳар бир банди қидириш ишларини олиб бориш учун манба бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун тўлдирилмай қолдирилган унинг ҳар бир банди маълумотлар базасида анкетангизнинг муомала доирасини чеклайди. Унинг барча бандларини тўлдиришга ҳаракат қилинг.

Сизнинг маълумотларингиз электрон ахборот талабларига мувофиқ қайта ишланади, инглиз тилига таржима қилинади ва халқаро канал орқали хориждаги ахборот банкларига ўтказилади.

Маълумотларингизни қайта ишлаш, таржима қилиш ва ахборотларни маълумотлар банкига жойлаш харажати 480 сўмни ташкил этади. Ана шу пулни СССР Уй-жой-иншимоий банки ОПЕРасига 55114671 ҳисоб счётига («СОВИНФО») ўтказиш лозим.

«Новости»нинг «СОВИНФО» амалий ахборотлар автоматлашган халқаро банкининг бланкини қуйидаги адресдан олиш мумкин: 700047, Тошкент, Романовский кўчаси, 1, «Новости» матбуот агентлигининг Ўзбекистон ССР бўлими.

Маълумотларни қуйидаги телефонлардан олиш мумкин: 32-23-71, 33-43-27.

Тўлдирилган бланк қуйидаги адресга йўллансин: 103786, ГСП, Москва-9, Зубовский хиёбони, 4, АПН, ГРИД.

ИНҚИЛОБНИНГ ЕТМИШ ЙИЛЛИГИ

Ўзбекистонда Хоразм халқ инқилобининг ва Хоразм халқ Шўролар жумҳурияти ташкил топган кунининг 70 йиллиги кенг нишонланмоқда. Ўлкамиз тарихи жуда қизиқарли ва кам маълум бўлган воқеаларни ўзида сақлаб келмоқда. 1920 йилнинг 2 февралида Хива хонлигида халқ инқилоби ғалаба қозонганлиги эълон қилинган, бу инқилоб Ўрта Осиё тарихида муҳим давр бўлган эди. Натижада Хоразм халқ Шўролар Жумҳурияти ташкил топганди.

Хоразмда инқилоб ғалабасининг дастлабки кунлариданоқ маданий қурилишнинг жуда мураккаб вазифалари ҳал этила бошланган эди. Мактаблар ва мактабгача болалар муассасалари, клублар ва маданият уйлари, театрлар ва музейлар очилганди. Саводсизликни тугатиш, кенг халқ оммасини адабиёт, фан ва санъатга ошно қилиш учун умумхалқ қураши бошланган эди.

Хоразм жумҳурияти беш йилдан камроқ яшади. 1924 йилнинг охирида миллий-давлат чегараланиши натижасида Хоразм жумҳурияти мустақил вилоят сифатида Ўзбекистон ССР таркибига кирди.

Хоразм вилоятида байрам тантаналарининг жуда катта ва қизиқарли режалари тайёрланган. Қўҳна Ўлканинг барча районлари ва шаҳарларида байрам тантаналари ўтмоқда. В. И. Ленин номли Хоразм Давлат педагогика институтида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти уюштирган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистондаги кўпгина областлардан, Қорақалпоғистон ва Туркманистондан келган таниқли олимлар маърузалар қилишди.

Хоразм инқилоби ветеранлари — шу воқеаларнинг бевосита қатнашчилари тантанали вазиятда қабул қилинди. Юбилей арафасида Хивада Хоразм маданияти тарихи музейи очилди.

Ўзбекистон пойтахтида ҳам шонли санага бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида ва В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент бўлимида, Ўзбекистон халқлари тарихи жумҳурият музейида ва А. Навоий номли Давлат халқ кутубхонасида Хоразм инқилобига, Хоразм вилояти меҳнаткашларининг Совет ҳокимияти йилларида эришган ютуқларига бағишланган махсус кўргазмалар очилди.

Хоразм жумҳуриятининг 70 йиллиги муносабати билан тантаналар давом этмоқда. Тарихий-бадиий ва ҳужжатли фильмлар кўриклари, Хоразм инқилоби иштирокчилари, В. И. Ленинни бевосита кўрган кишилар билан учрашувлар уюштирилди. Тантаналарда Ўрта Осиёдаги бошқа иттифоқдош жумҳуриятлардан келган меҳмонлар иштирок этишмоқда.

Ю. ИБРОҲИМОВ,
ЎзТАГ мухбири.



МИЛИЦИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ ЯНГИ УСТ КИЙИМИ

МОСКВА. Таниқли модельер В. Зайцев раҳбарлигидаги коллектив яратган милиция ходимларининг янги ёзги уст кийими Москва шаҳар Совети ижроия комитети ички-ишлар Бош бошқармасининг ходимларига тақдим этилди.

Уст кийими қулай бўлиши билан бир қаторда, аввалгиларига нисбатан хизмат хусусияти билан боғлиқ афзалликларга ҳам эга — унда жаҳондаги кўпгина полициячиларнинг либосларидагидек, газ тўлдирилган баллонча ва қўлкишанлар солиб юриладиган ҳамёнлар кўзда тутилган.

Пойтахт аҳолиси милиция ходимларини янги либосда шу йилнинг ёзидаёқ кўриши мумкин. Янги уст кийими Москва милициясининг айрим бўлинмаларида синовдан ўтказилади.

Ана шу формага биринчи бўлиб 1992-йилда Москва шаҳри ва области милицияси ўтади. 1994 йилга келиб мамлакатимизнинг барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари шундай либос кияди.

СУРАТДА: янги уст кийимини намойиш қилиш вақтида.

А. Шогин (ТАСС) сурати.

Қизиқарли маълумот

ИШДА ВА УЙДА

Француз аёллари ва эркакларининг турмуш мароми қандай? Яқинда статистика ва иқтисодий тадқиқотлар Франция миллий институти ўтказган савол-жавоблар бунга қисман жавоб беради.

Французларнинг кундалик турмуши (иш, истироҳат, уйқу, овқатланиш) тегишли ижтимоий-профессионал категориялар доираси билан қатъий чекланган бўлиб, ҳамма учун умумий бўлган учта ўқ атрофида: бўш вақт, касб фаолияти ва «муқаддас» уй атрофида айланади — мутахасисларнинг асосий хулосаси ана шундай.

Меҳнат қобилиятига эга бўлган аҳоли белгиланган график асосида ишлайди, бу график бирозгина тебраниб туради: эркакларнинг 70 фоизи 8.30 дан пешингача, сўнгра эса 14.00 дан16.30 гача ишлайди. Аёлларнинг 65 фоизи соат 9 дан 12 гача ва шулардан 60—65 фоизи соат 14 билан 16.30 ўрталарда ишлайди.

Хизматчилар билан эркин касб кишиларининг иш вақти деярли бир хил бўлган бир пайтда ишчи ишлаб чиқаришда анча кўп — соат 18.30 гача (80 фоизи ҳатто 19 дан кейин ҳам) машғул бўлади. Уларнинг дам олиши учун шунга яраша камроқ вақт қолади.

Қишлоқ аҳолиси ҳеч қандай графиксиз — эрталаб соат етидан кечқурун соат етти яримгача, ёзда эса бундан ҳам кўпроқ ишлайди. Уларнинг ҳаётида истироҳат ниҳоятда аҳамиятсиз ўринга эга бўлиб, қишлоқ аҳолисининг атиги 15 фоизи тушликдан сўнг бироз дам олиши ва 37 фоизи телевизор кўриши мумкин.

Студентлар эрталаб соат 9 дан 12 гача ва соат 14 билан 16.30 ўрталарида ўқишади. Йигитларнинг атиги 15 фоизи ва қизларнинг 20 фоизи хўжалик юмушлари билан шуғулланади.

Студентлар бошқаларга қараганда кўпроқ бўш вақтга эга: тушликдан сўнг ва оқшомлари улар мутолаа қилишади, спорт билан шуғулланишади ёки кинога боришади.

Уй бекалари асосан рўзғор муаммолари билан машғул бўлишади: уларнинг учдан иккн қисми кунниинг биринчи ярмини хўжаликка бағишлайди, учдан бир қисми эса тушдан сўнг уй юмушлари билан шуғулланишни афзал кўради. Рўзғор ташвишлари вақтни кўп олади ва шунга мувофиқ бўш вақт ҳам қисқаради: аёлларнинг атиги 10 фоизигина эрталаб соат 10 билан 11.30 ўрталарида ҳордиқ чиқариб оладилар. Уларнинг 13 фоизи тушликдан сўнг бироз дам олишади ва телевизор кўришади. Зайфаларнинг 20 фоиздан кўпроғи кунниинг иккинчи ярмини китоб ўқишга, меҳмондорчиликларга, сайр қилиш ёки спортга бағишлайди. Уй бекалари — телевидение шайдоларидир.

Пенсионерлар кунниинг ёруғроқ қисмини — биринчи ярмини бўш вақтга сарфлайдилар: эркакларнинг 10 фоизи ўз кунларини эрталаб соат 8.20 дан, 20 фоизи эса 1 соат кечроқ бошлайди. Аёлларнинг 60 фоизидан 72 фоизигача эрталаблари рўзғор муаммолари билан шуғулланишади. Кундузи соат икки яримдан бошлаб аёлларнинг 24 фоизи ҳамда эркакларнинг 29 фоизи дам олади. Пенсионерларнинг учдан бир қисми соат 15 билан соат 18 лар орасида китоб ўқийди, сайр қилади ёки қўшнилар билан суҳбатлашади. Кечқурунлари пенсионерларнинг учдан икки қисми бўш вақтларини телевизор рўпарасида ўтказади.

Дам олиш кунлари бутун Франция учун энг фароғатли кундир. Ҳафта мобайнида яхшилаб меҳнат қилган кишилар кўпроқ ухлайдилар, эрталабки нонушта ҳам осойишта ўтади. Ишлайдиган аёлларнинг 20 фоизи шанба кунининг иккинчи ярмида меҳмонга боришади, театр ёки концертларга тушишади. Уларнинг кўпчилиги эса оиласида дам олишни афзал кўради ва телевизор вақтни ўтказишнинг энг севимли манбаи бўлиб қолади.

Ирина ПАТРИКЕЕВА.



⊙ ЛИМА. Перу пойтахтининг тарихий маркази «фавқулодда ҳолатда» деб эълон қилинди. Лима муниципалитетининг бундай қарор чиқаришдан мақсад шаҳарнинг кўҳна даҳаларида тартиб ўрнатиш ва тозалаш ишлари юзасидан шошилинч чора-тадбирлар кўришдан иборатдир. Бу даҳалар XVI асрда, испан конкистадорлари давридаёқ ... бошланган эди.

...ақтлар Перу вице-...нинг расмий пой-...н, ҳозир беш мил-...н яшайдиган Лима маркази кейинги ўн йилликларда анча ҳувуллаб қолди. Бой Креол оилалари у ердан океанга яқинроқ ҳашаматли янги районларга ва серқуёш тог этакларига кўчиб ўтдилар, марказий даҳалардаги нураб бораётган бинолларнинг аксарияти ё идораларга айланди ёки у ерга энг камбағал одамлар кўчиб киришди. Унча катта бўлмаган Лима маркази ҳар куни бир миллиондан кўпроқ одам, шунингдек тор кўчаларда тошбақа юриш қилиб, бензин қурумини бурқситувчи сон-саноқсиз автомобиллар билан тўлиб-тошиб кетади.

Лима унинг марказидаги алғов-далғова бошқа тоқат қилолмайди, деди журналистларга яқинда шаҳар ҳокими лавозимини эгаллаган Рикардо Бельмонт. Ғалати вазият юзага келди: асосий давлат ва ҳукумат муассасалари, кўпгина меъморий ва тарихий ёдгорликлар жойлашган районда айниқса жиноятчилик даражаси юқори, гиёҳвандлик ҳамда фоҳишабозлик авж олмоқда. Перу пойтахтининг маркази бугунги кунда одамлар учун ҳатто хавфли бўлиб қолди, деб уқтирди Р. Бельмонт.

Муниципалитет таклиф қилган фавқулодда режада биринчи навбатда кўчаларни мунтазам тозалаб туриш кўзда тутилган. Бу энг муҳим вазифаларидан эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди: шаҳарда ҳар куни уч ярим минг тонна хилма-хил чиқиндилар «ишлаб чиқарилади», жиҳозланган ахлатхоналарга эса уларнинг атиги бир ярим минг тоннаси келтирилади. Бунинг устига агар Лима тинч океаннинг қуруқ соҳилида жойлашганлиги ва тўпланиб қолган ифлос нарсаларни ювиб кетиши мумкин бўлган ёмғир бу ерда амалда сира ёғмаслиги ҳисобга олинса, шунда шаҳарда «ахлат» муаммоси нақадар ўткир бўлиб турганлиги тушунарли бўлади.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

САЁҲАТ ҚИЛИНГ, ДЎСТЛАР!



Саёҳат йўлланмаларини сотиш бюроси Сизга қуйидаги маршрутлар бўйлаб ҳордиқ чиқаришни таклиф қилиб, ўз билим доирангизни кенгайтириш, янги, қизиқ тақдирли кишилар билан учрашиш, Ватанимизнинг энг хушманзара гўшаларини кўздан кечириш имконини беради.

МАРТ ОЙИДА

ИИГИРМА КУНГА

СОЧИГА, 18 март 7 апрель — 370 сўм.

СОЧИГА, 4—24 март, 25 март—14 апрель — 370 сўм.

КИСЛОВОДСККА, 4—23 март — 319 сўм.

ЯЛТАГА, 10—30 март — 369 сўм.

ЕВПАТОРИЯГА (сув билан даволаш), 10—30 март — 345 сўм.

СОЧИГА, 10—30 март — 344 сўм.

ЕССЕНТУКИГА, 19 март — 7 апрель — 318 сўм.

ПЯТИГОРСККА, 31 март—20 апрель — 319 сўм. 12 март — 31 март — 319 сўм.

ЎН КУНГА

ДРУСКИНИНКАИГА, 8—19 март — 309 сўм.

ВИЛЬНЮС — МИНСККА, 17—26 март — 346 сўм.

ВЕНТСПИЛС — ДОБЕЛЕГА, 12—18 март — 301 сўм.

КИЕВГА, 15—24 март — 322 сўм.

КИЕВГА, 6—15 март, 16—25 март — 342 сўм.

АЛУШТАГА, 26 март — 7 апрель — 246 сўм.

УЧ ВА БЕШ КУНГА

МОСКВАГА, 6—9, 7—10, 5—9, 12—16, 19—23, 20—24 март — 172 сўм.

МОСКВАГА, 26—30, 27—31, 28 март — 1 апрель — 228 сўм.

ШАУЛЯЙГА, 18—22 март — 241 сўм.

РОСТОВ-ВЕЛИКИЙГА, 11—15 март — 225 сўм.

ХАРЬКОВГА, 22—26 март — 223 сўм.

СЕВАСТОПОЛГА, 8—12 март — 210 сўм.

ОДИНЦОВОГА, 14—18 март — 214 сўм.

МАРИАМПОЛГА, 19—23 март — 228 сўм.

ЕРЕВАНГА, 7—11, 16—20 март — 209 сўм.

«ШИЛЯЛИС» дам олиш уйига, 4—10 март — 275 сўм.

ВИДНОЕГА, 3—5 март — 166 сўм.

КРАСНОГОРСККА, 8—12 март — 212 сўм.

ВИЛЬНЮСГА, 5—9, 18—22 март — 227 сўм.

ЛИДА (Минск)га, 19—23 март — 253 сўм.

МИНСККА, 5—9, 19—23 март — 229 сўм.

КАУНАСГА, 19—23 март — 231 сўм.

ЮРБАРКАСГА, 5—9 март — 246 сўм.

КАУНАСГА, 12—16 март — 231 сўм.

ОЛМАОТАГА, 7—9, 16—18 март, 30 март — 1 апрель — 96 сўм.

КИЕВГА, 12—16, 19—23 март — 244 сўм.

СЕВАСТОПОЛГА, 5—9, 19—23 март — 218 сўм.

ЮРМАЛАГА, 4—8, 25—29 март — 277 сўм.

ВОЛГОГРАДГА, 2—4 март — 151 сўм.

ВОЛГОГРАДГА, 18—22 март — 195 сўм.

ОЛМАОТАГА, 4—8 март — 138 сўм.

ХИМКИГА, 8—12 март — 199 сўм.

ПУШЧА-ВОДИЦАГА, 17—21 март — 251 сўм.

КРАСНОГОРСККА, 16—20 март — 212 сўм.

ХАРЬКОВГА («Интурист» меҳмонхонаси). 7—11 март — 267 сўм.

РИГАГА, 12—16 март.

ИВАНО-ФРАНКОВСККА, 12—16 март — 242 сўм.

ОЛМАОТАГА, 24—26 март — 96 сўм.

ДУШАНБЕГА, 2—4, 23—25 март — 88 сўм.

РЕЗЕКНЕГА, 19—23 март — 269 сўм.

ЙЎЛЛАНМА БАҲОСИГА ҲАР ИККИ ТОМОНГА БОРИБ КЕЛИШ, ОВҚАТЛАНИШ, ЖОЙЛАШИШ, ЭКСКУРСИЯ ХИЗМАТИ ХАРАЖАТЛАРИ КИРАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент, Навоий кўчаси, 69 «а». Метронинг «Пахтакор» станцияси.



«ТАШКЕНТТУРИСТ» ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/II да **Куёв**, 7/II да **Келинлар қўзғолони**, 8/II да **Пуч**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7/II да **Гул ва Наврўз**, 8/II да **Аршин мол олон**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/II да **Отасининг қизи** (19.00), 7/II да **Отасининг қизи, Сўнаётган юлдузлар**.

КИНО

6 ФЕВРАЛДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «КИЧИК ГУВОҲ» (катта зал, 16, 18.30, 20.45; кичик зал, 19.30).

Чайка — «МАШЪУМ ЖАР ЁҚАСИДА» (тоқ соатларда, 20.45).

Восток» — «СЕВГИН ВА ИШОНГИН» (16, 18.30, 20.45).

Москва — «ЖИКАЛАР СУЛОЛАСИ» (тоқ соатларда, 20.40).

Дружба — «ЖИКАЛАР СУЛОЛАСИ» (жуфт соатларда ва тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ҚОНУНДАГИ УҒРИЛАР» (тоқ соатларда, 17.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги —«ЁВУЗ КУЧ» (жуфт соатларда).

7 ФЕВРАЛДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР

Санъат саройи — «КИЧИК ГУВОҲ» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; кичик зал, 12, 14.30, 15, 19.30).

Чайка — «МАШЪУМ ЖАР ЁҚАСИДА» (тоқ соатларда, 20.45).

Восток — «СЕВГИН ВА ИШОНГИН» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Дружба — «ЖИКАЛАР СУЛОЛАСИ» (жуфт ва тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ҚОНУНДАГИ УҒРИЛАР» (тоқ соатларда, 17.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЁВУЗ КУЧ» (жуфт соатларда).

Ҳурматли тошкентликлар ва шаҳримиз меҳмонлари!

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИНИНГ КИНОЛЕКТОРИЙСИДА

8, 9 февраль кунлари

ПОЛЬША ҚЎШИҚЛАРИНИ ИЖРО ЭТУВЧИ

Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг

КОНКУРСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Конкурс соат 18.00 дан 22.00 гача ўтказилади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 107-уй.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СССР Қурилиш министрлигига қарашли «ТРАНССИГНАЛСТРОЙ» трестининг 820-ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ПОЕЗДИ

Шоссесига 7-тонна оғирлик тушадиган янги ёнилғи қуювчи, баҳоси 15.384 сўм бўлган «МАЗ-53-34» маркали янги автомашинани борти узун бўлган янги «МАЗ» ёки «КАМаз» автомашинаси ёки «ВОЛГА» ГАЗ-24-10 автомашинасига

АЛМАШТИРИШИ МУМКИН.

Қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинсин: 96-58-70, 96-72-51, 96-72-30, 96-74-12.

Адрес: 700074, Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Маҳзуна кўчаси, 1-тупик, 14-«а» уй.

«Главташкентстрой»нинг «СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» ТРЕСТИ

минора крани, экскаватор, бульдозер машинистларини тайёрлаш курсларига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 4,5 ой. Ўқиш даврида 103 сўм стипендия тўланади.

Бошқа шаҳарлардан келган ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади ва пропискадан ўтказилади.

Мурожаат учун адрес: 700017, Тошкент шаҳри, Академик Сулаймонова кўчаси, 49-уй.

1990 йилдан бошлаб

«ТАШХИМСНАБ» КОРХОНАСИ

«Узхимполимерторг» республика баланслар ва кимёвий ҳамда полимер маҳсулотлар улгуржи савдо бирлашмасига

АЙЛАНТИРИЛДИ

Барча даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги адресда қабул қилинади:

700209, Тошкент шаҳри, Сергели-3.

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

13, 14, 15, 16 февраль соат 19.30 да

«ОЛАМНИ САҚЛАНГ, ДЎСТЛАР»

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти НУРИДДИН ҲАМРОҚУЛОВ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ГУЛЧЕҲРА ФОЗИЛЖОНОВА

Солистлар: РОЗА ҚУЛДОШЕВА **ва** ДАДАХОН ҒАНИЕВ.

Концертни сўз устаси МАШРАБ НАЗАРОВ олиб боради.

Билетлар соат 11.00 дан сотилмоқда.

Ўзбекистон Маданият фонди
Ўзбекистон Ленин комсомоли Марказий Комитетининг ЁШЛАР УИИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

20, 21 февраль соат 16 ва 19.30 да

«Фарғона жилолари» ҚЎШИҚ ва кулги кечаси

ИШТИРОК ЭТАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Зиёда МАДРАҲИМОВА.

«КАМОЛОТ—89» жумҳурият конкурсининг ғолиби Охунжон МАДАЛИЕВ.

«ТОШКЕНТ МАЛИКАСИ» конкурсининг ғолиби Наргиза ОЛИМОВА.

«ҚИЗИҚЧИ-89» жумҳурият конкурсининг совриндорлари: Абдулла АКБАРОВ ва Туйғун САЪДУЛЛАЕВ.

ПРОГРАММАНИ Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари Гулчеҳра ва Лутфулла САЪДУЛЛАЕВлар олиб борадилар.

Кечадан тушган маблағни иштирокчилар Ўзбекистон Маданият фондига тортиқ қиладилар.

Саҳналаштирувчи режиссёр—Бахтиёр САИФУЛЛАЕВ.

Кўпчилик бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 45-93-63, 39-42-68, 41-45-20.

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройининг кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

28 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.30 ДА

МУКАРРАМА ТУРҒУНБОЕВА НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН «БАҲОР» ДАВЛАТ ХАЛҚ РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

КАТТА КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТЛАРИ: Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ, Қаҳрамон ДАДАЕВ, Маъмура ЭРГАШЕВА,

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТЛАР: Талъат САЙФУТДИНОВ, Светлана ТУРСУНОВА, Гулнора ЖЎРАЕВА, Дилбар ЮНУСОВА.

Программани Фотима ИКРОМОВА ва Рустамжон МИРЗАЛИЕВ олиб борадилар.

Музика раҳбари — Муҳаммаджон ШОКИРОВ.

Ансамблнинг бадиий раҳбари — СССР Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Равшаной ШАРИПОВА.

«БАҲОР» АНСАМБЛИ АЗИЗ ТОМОШАБИНЛАРГА ЎЗИНИНГ ЯНГИ ПРОГРАММАСИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ.

Сиз унда ўзбек, уйғур, тожик ва шарқ халқлари рақс ва қўшиқларини томоша қилишингиз мумкин.

Справкалар олиш учун телефонлар: 39-46-09, 39-46-10. Касса 45-93-63, 45-92-13.

КОЛЛЕКТИВ ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси

26-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

8-10 СИНФНИ ТАМОМЛАГАН ЁШЛАРНИ

ЎЗБЕК ВА РУС ГРУППАЛАРИГА

қуйидаги мутахасисликлар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЗАРГАРЛИК — 1,5 — 3 йил;

ЧИННИГА ГУЛ СОЛИШ — 1 — 3 йил;

ЧИННИ САРАЛОВЧИ — 1—3 йил;

ЧИННИ ШАКЛИНИ ТАЙЁРЛОВЧИ — 1—3 йил;

САНОАТ МАШИНАЛАРИНИ ТУЗАТАДИГАН СЛЕСАРЛАР — 1—3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ ТОШКЕНТ ВА ҚАЛИНИН РАЙОНИДА ЯШОВЧИ, ЁШИ 15 ВА УНДАН ЮҚОРИ БЎЛГАН 8—10 СИНФНИ БИТИРГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 8-синф маълумотига эга бўлган ёшлар учун 3 йил.

Ўқишга қабул қилинганлар бош-оёқ кийим ва уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИДА ЎҚИШ МУДДАТИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юртида заргарлик ҳунарини ўрганган ўқувчилар Тошкент заргарлик заводига, чинникорлик ҳунарини ўрганган ўқувчилар Тошкент чинни заводига ишга жойлаштирилади.

Билим юртига имтиҳонсиз қабул қилинади.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ариза, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, маълумоти ҳақида гувоҳнома, медицина справкаси, расм (3х4, 6 дона), таржимаи ҳоли, ота-онасининг иш жойидан справка.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, Сағбон кўчаси, 17-тупик. Телефонлар: 40-30-36, 40-30-38. (100, 59, 76, 166-автобусларнинг «Қўштут» бекати).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни Ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р—03091.

Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.